

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 112 (112), 2020 йил 20 июнь, шанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2020 йил 19 июнь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Сенат аъзолари томонидан 16 та масала, шу жумладан, 9 та қонун кўриб чиқилган ялпи мажлиси иши парламент юқори палатасининг веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалари орқали ҳамда "Ўзрпорт" телеканалида тўғридан-тўғри жонли эфирда намойиш этилди.

Даставвал "Инновацион фаолият тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни сенаторлар томонидан муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, ҳозирги вақтда илмий ишланмаларни амалга асраш, янги ишланмаларни ривожлантириш, уларнинг ижобий самарасига эришиш орқали иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани инновацион ривожлантириш, инновация ва инновацион фаолият соҳасидаги тушунчаларни тартибга солувчи ягона қонун ҳужжати мавжуд эмас эди.

Мазкур ҳужжат "Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида"ги Қонуннинг мантиқий давоми бўлиб, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг узвий боғлиқлигини таъминлайди. Жумладан, инновацион маҳсулотлар ва хизматлари яратиш ҳамда қўллаш учун қулай муҳитни шакллантириш, инновацияларни

жорий этишдан манфаатдорликнинг ташкилий-ҳуқуқий тизимини такомиллаштириш, инновацион инфратузилмани ривожлантириш ҳамда инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали инновацион фаолият соҳаси ривожлантирилади.

Қонунда инновация ва инновацион фаолият соҳасидаги ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий муносабатлар тартибга солинади. Хусусан, бугунги кунда бор салоҳиятини намоян этиш, янги гоа ва ишланмалари билан жамият ривожига ҳисса қўшиш ниятида бўлган, баъзан ўз ишланмаларини ишлаб чиқаришга татбиқ этишда қийналаётган жисмоний ва юридик шахслар, жумладан, олимлар, тадбиркорлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, айниқса, шижоатли ёшлар учун ҳуқуқий асос бўлади.

Қонунда инновация ва инновацион фаолиятга оид асосий тушунчалар, инновацион фаолиятнинг принциплари ва уни давлат томонидан тартибга солиш механизми белгиланмоқда.

Шу билан бирга, инновацион фаолиятга инвестицияларни жалб этишга қўмақлашиш, бу борда давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ҳисобланиши ҳам баён этилган.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди. Шундан сўнг "Энергиядан оқилон фойдаланиш тўғрисида"ги

Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун ҳам кўриб чиқилди.

Қонун энергетика тармоқларида ҳосил қилинаётган электр ва иссиқлик энергияси, ёқилги ва бошқа ноъанъавий энергия ресурсларидан иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳада янада оқилон ва самарали фойдаланиш, қопарса, энергия ресурслари истеъмолининг самарадорлиги ва замонавий энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш хизматларини кўрсатишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадларини ўзида акс эттирган.

Шу билан бирга, Қонунда энергия самарадорлиги кўрсаткичларига товарларнинг мувофиқлиги бўйича мажбурий сертификатлашни тўғрисидаги норма белгиланмоқда. Бунда мутасаддиларга энергия самарадорлигини ошириш ва ёқилги-энергетика ресурсларини тежаш кўрсаткичларини аниқлаш методикасини ҳамда мақсадли кўрсаткичларини тасдиқлаш, энергиядан оқилон фойдаланиш ва энергия самарадорлигини ошириш юзасидан қўнунчилик талабларига риоя этилиши бўйича давлат назорати тартибини белгилаш вазифалари юклатилмоқда.

Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши энергия ресурслари харажатларини оптималлаштириш, энергия ресурслари истеъмоли самарадорлигини тизимий мониторингини юритиш ҳамда аҳолининг реал даромадларини оширишга хизмат қилади.

Давоми 2-бетда



Қулайлик

ФУҚАРОЛАРНИНГ НАҚДИ ҲАМ, ВАҚТИ ҲАМ ТЕЖАЛАДИ

Битта ариза билан бирйўла олтига давлат хизматига доир юмушлар ҳал этиляпти

Абдурауф ҚОРЖОВОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Инсон ҳаётининг энг қувончли дамларида, яъни оилада гўдак туғилса, икки ёш оила қуришни ният қилса ёки бирор архив ҳужжатига зарурат пайдо бўлса, албатта, фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш органларига мурожаат қилади. Таассуфки, икки ёшнинг ажралиши, ўлим ҳолатлари рўй берса ҳам зарур маълумотнома олиш шу идора орқали битати.

Тўғриси айтиш керак, ФХДга турли ҳужжатлар тақдим этиш ва уларни олишда авваллари кўп сарсонгарчиликларга дуч келинган. Мурожаат қиладиганлар оқимининг кўпчилиги "ишни тезроқ битириш"га ва бошқа коррупцион ҳолатларга мойилликка замин яратган. Бошини огритишни истамаган, қутишларга сабри чидаман минглаб одамлар эса зарур ҳужжатлар-сиз яшашни афзал билган.

Давоми 4-бетда

Мамлакатимизда меҳнат ресурслари билан ишлаш орқали бандликни таъминлаш бўйича қўриладиган чоралар



Олис ҳудудларга ишга борадиган олийгоҳ битирувчилари учун бошланғич ёрдам пули ва уй-жой ажратиш бўйича рағбатлантириш тизими жорий этилади.

2020 йил якунига қадар

Барча вилоятларда "Ишга марҳамат" мономарказлари очилади.

Инқирозга қарши курашиш жамғармаси

Мономарказ ва маҳаллаларда ўқув марказлари ташкил этишга 150 миллиард сўм ажратади.

Осиё тараққиёт банки имтиёзли кредити асосида

30 та ёшларни касбга ва тадбиркорлик асосларига ўқитиш маркази ташкил этилади.

Битирувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида

200 миллиард сўм ажратилади. Инқирозга қарши курашиш жамғармаси. Жамоат ишлари жамғармаси.

Туризм соҳасини ривожлантириш бўйича

100 та ички туризм маршрути йўлга қўйилади.

Йил якунига қадар ички туристлар сони 1,7 миллионга етказилади.

Тиббиёт соғломлаштириш туризми ривожлантирилади.

Сайёҳлар ташриф буюрадиган барча объектлар



Карантин қоидаларига қатъий амал қилиши назоратга олинади.

Давоми 4-бетда

Мустақиллик солномаси

ИСТИҚЛОЛ ПОЙДЕВОРИ ВА ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Аброр ЮСУПОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва миттақаларро тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи

Бугун мустақил Ватанимиз тарихида туб бурилиш ясаган, муҳим тарихий ҳужжатлардан бири — Мустақиллик декларацияси қабул қилинганига 30 йил тўлди. Ушбу ҳужжат 1990 йил 20 июнда Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан қабул қилинган эди.

Бу ҳужжатнинг тарихий аҳамияти, энг аввало, мамлакатимизнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши, эркин тафаккур асосида яшаш, фикрлаш, миллий ва умумбашарий қадриятларга таяниб иш кўриш каби жиҳатлар билан изоҳланади. Мустақиллик декларациясида мамлакатимиз ҳудудида асрлар давомида шаклланган давлатчилик, фан-таълим ва маданий тараққиёт борасидаги бой тажриба ва аъёналаримиз ўз аксини топган. Мазкур ҳужжатнинг мураккаб шароитларда қабул қилиниши Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши сари ташланган қатъий ва муҳим қадам бўлди.

Шу маънода, Мустақиллик декларацияси нафақат ҳуқуқий, балки жамият ва давлат ҳаёти ҳамда Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир фуқаронинг бугунги муносиб ҳаётини ва эртанги тақдирини белгилаб берувчи сиёсий ҳужжатдир. Мустақилликнинг ўтган даври мобайнида мамлакат ички сиёсий

тизимда давлат ҳокимияти идоралари фаолияти демократик тартиб-қоида ва аъёналар асосида қайта шаклланди. Хусусан, қонунчилик, ижро ва суд ҳокимиятлари ташкил топди. Мамлакатда сиёсий плюрализм асосланган кўппартиявийлик тизими шакллантирилди, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари фаолияти йўлга қўйилди.

Бугун Ўзбекистон халқаро ҳам-жамиятнинг тенг ва тўла ҳуқуқли аъзосидир. Ҳозир Ўзбекистон БМТ, ШҲТ, МДҲ, ЕҲҲТ ва ИХТ каби бир қатор нуфузли халқаро тузилмалар фаолиятида фаол иштирок этиб келмоқда.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий фаолиятидаги энг асосий вазифаси давлатимиз суверенитети ва мустақиллигини мустаҳкамлашдир. Бу борада юртимиз тинчликпарварлик сиёсатини юритиб келмоқда. Бундай сиёсат ўзаро очиқ ва конструктив мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши кўш-ничилик таъминларини ҳамда

мамлакатимиз атрофида "фаровонлик камари"ни яратиш ва мустаҳкамлашни ўзида акс эттиради. Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари ва Афғонистон билан кенг ва фаол ҳамкорлиги бунга мисол бўла олади.

Тарихан мамлакатимиз жаҳон цивилизациясининг стратегик муҳим нуқтасида жойлашган. Бундай жойлашув асрлар давомида мамлакатимиз халқида бағрикентлик, юксак маънавий қадриятлар, турли миллат ва элатлар тақдирига бефарқ бўлмаслик, аксинча ўзаро ҳамкорликда ривожланиш моделини шакллантирган.

Таъкидлаш лозимки, ўтган давр мобайнида мамлакатимиз ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларида мустақилликни мустаҳкамлашга қаратилган қатор ютуқларга эришди.

Бугунги кунда амалга оширилган кенг миқёсдаги ислохотлар, янгиланишлар ва ўзгаришларнинг туб мазмун-моҳияти беvosита мамлакат мустақиллигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Сўнгги йилларда кузатилаётган ушбу ижобий ўзгаришлар, шубҳасиз, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган ишларнинг мантиқий давомидир. Яна бир муҳим жиҳат, Ўзбекистон бу борада ўзининг замонавий тарихий ривожланишидаги янги босқичга қадам қўйди.

Давоми 4-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Бошланиши 1-бетда

Сенат аъзолари ушбу Қонуни маъқуллади.

Сўнгра "Ов қилиш ва овчилик ҳўжалиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қўриб чиқилди.

Қайд этилгандаки, бугунги кунда ов қилиш ва овчилик ҳўжалиги соҳасидаги муносабатлар ҳўқуқий жиҳатдан 10 дан ортқ қонуности ҳўжат билан тартибга солинади.

Бу, ўз навбатида, ҳўқуқни қўллаш амалиётида турли қарама-қаршилик ва талқинлар, мураккабликлари келтириб чиқармоқда. Боз устига, соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, ёввойи ҳайвонлар ҳолати устидан давлат мониторингини олиб боришини самарали тизими мавжуд эмаслиги ҳамда овчилар ва овчилик ҳўжаликларининг ҳўқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳўжатларида аниқ белгиланмаганлиги овланадиган ҳайвон ресурсларининг ҳўлати аниқлашга тўқсинлик қилмоқда. Бу эса жониворлар популяцияси давлат мониторингини тизимининг ривожланишига, мамлакатимизда овланадиган ҳайвон турларининг сони ва овланиш ҳажмларини, уларнинг репродуктив ҳўлатини ўрганишига халал бермоқда.

Яна бир жиҳат, мамлакатимизда ов туризми имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, хусусан, хорижий сайёҳларни овчилик соҳасига жалб этиш орқали давлат бюджетига валюта тушумларини ошириш, ов ҳайвонларини етиштириш, тиклаш ва қўлайтириш орқали эса сарфланадиган харажатларни молиялаштириш имконияти юзага келади.

Мазкур "Ов қилиш ва овчилик ҳўжалиги тўғрисида"ги Қонунда эса ушбу масалаларнинг ҳўқуқий ечимлари ўз аксини топади. Яъни Қонунда моддаларнинг тўғридан-тўғри амал қилишига эътибор қаратилган. Жумладан, ов қилиш ва овчилик ҳўжалиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланган. Ёввойи ҳайвонларнинг сони ҳамда тутилган ёввойи ҳайвонларни ҳисобга олиш имконияти юзага келади.

Шу билан бирга, ёввойи ҳайвонларнинг сонини тартибга солиш ҳамда ёввойи ҳайвонлар ўртасида инфекция касалликлар тарқалишига қарши курашиш зарурати асосланган.

Қонуннинг қабул қилиниши овчилик ресурсларидан оқилона фойдаланиш орқали атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун қўлай шарт-шароитлар яратилишига хизмат қилади. Шунингдек, ёввойи ҳайвонлар ҳисобини юритиш, уларни қўлайтириш ва тутиш нормаларини тартибга солиш устидан давлат назоратини қўлайтиришга, ов туризмнинг ривожлантирилиши ҳамда ов ҳўжаликларини ҳолатини яхшилашида мўҳим аҳамият касб этади.

Мазкур Қонунни маъқуллаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шундай қилиб "Фуқароларнинг жамоат тартибин сақлашда иштирок этиши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қўриб чиқилди.

Қонуннинг ақсарият нормалари реал ҳаётий муносабатларни тўғридан-тўғри тартибга солишга, уларнинг асосий қисми тўлиқ ифодаланмаганлиги, белгиланган тадбирларнинг амалга ошириш механизми мавжуд эмаслиги алоҳида қайд этилди.

Хусусан, Қонуннинг 7-моддасида фуқаролар жамоат тартибин сақлашда иштирок этганда ҳўқуқбузарликлар профилактикаси бевоисита амалга оширувчи органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилиши белгиланган бўлса-да, Қонунда уларнинг вазифалари, ҳўқуқ ва мажбуриятлари ақсаритилмаган.

Шу билан бирга, жамоат тартибин сақлашда иштирок этувчи шахсларнинг реестри ва уни юритувчи органлар фаолияти билан боғлиқ масалалар назарда тутилган ҳамда Қонуннинг 8-моддасида жамоат тартибин сақлашда фуқароларнинг иштирок этиши билан боғлиқ чекловлар тўлиқ кўрсатилмаган.

Шунингдек, Қонунда фуқароларнинг жамоат тартибин сақлашга қўмақлашиш мақсадида жамоат тузилмалари тузиш ва уларнинг фаолиятида қатнашиш, жамоат тартибин сақлашда янаша тартибга ёки жамоа бўлиб иштирок этиш билан боғлиқ шакллар баён этилмаган.

Сенаторлар томонидан Қонуннинг айрим моддаларида фуқароларнинг бевоисита ҳўқуқларига оид масалаларни очиб бермасдан, давлат органлари ёки қонун ҳўжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши белгиланган ўтилганлиги ҳамда тўғридан-тўғри амал қилиши лозим бўлган қонун нормаларининг қонуности ҳўжатлари билан тартибга солиниши ёки қонунда ақсаритилмаслиги тор доирадаги идора манфаатларини ва қисқа муддатли мақсадларни қўлаш мумкинлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, ақсарият ҳўлларида ижтимоий муносабатлар қонуности ҳўжатлари билан тартибга солиниши қонунларнинг мақоми қучсиланишига,

тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунларнинг йўқлигига, масалаларни комплекс ёндашмай тарққ ҳолда ҳал этишга олиб келади.

Қонун нормаларини тўлиқ очиб бермаслик ва амалга ошириш механизмларини ақсаритилмаслиги ҳўқуқий жиҳатдан ҳамда суистеъмолчиликларни келтириб чиқариши, бюрократик тартиб-таомилларни қўлайтириши, қонунларни четлаб ўтишга қаратилган қўллаб қораллар қабул қилинишига сабаб бўлиши мумкин.

Шу жиҳатдан сенаторлар томонидан Қонунни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Сўнгра "Геодезия ва картография фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари барча йўналишлар қатори геодезия ва картография соҳасини ҳам замон талабларига мос равишда такомиллаштиришни тўқсин этмоқда.

Янги таҳрирдаги мазкур Қонунда шу каби жиҳатлар эътиборга олинган. Жумладан, соҳага оид асосий тушунча ва тамойиллар, қолаверса, уни давлат томонидан тартибга солишга оид нормалар, ваколатли давлат органлари аниқ белгиланган.

Шу билан бирга, Қонунда геодезия ва картография ишларини лицензиялаш, рўйхатга олиш ва давлат ҳисобини юритиш, давлат картография-геодезия кадастри ва Ўзбекистон Республикаси картография-геодезия фондини юритиш ҳамда давлат геодезия назорати билан боғлиқ нормалар мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Ушбу Қонуннинг маъқулланиши геодезия ва картография фаолиятининг моҳияти, хусусан, сунъий йўлдош тизимларидан фойдаланишда ҳамда соҳага рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали тизимни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, геодезия ва картография фаолиятини амалга оширишда материаллар ва маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилиги таъминланади. Энг мўҳими, фойдаланувчиларга маълумотлар етказилиши соддалаштирилади.

Шунингдек, Қонундан ҳаволаки нормаларнинг чиқарилиши натижасида тадбиркорлик субъектларининг геодезия ва картография фаолияти билан шуғулланишида қўлай шарт яратилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

"Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига маҳкумларнинг ҳўқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам муҳокама марказида бўлди.

Мазкур Қонунда киритилмаган ўзгариш ва қўшимчалар маҳкумларнинг ҳўқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиши назарда тутади.

Хусусан, вояга етмаган маҳкумларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан учрашувларида чекловлар бекор қилинмоқда. Маҳкума аёлларнинг вояга етмаган фарзандлари билан учрашувларининг алоҳида тартиби белгиланмоқда.

Бундан ташқари, маҳкума ҳомиладор аёллар ва боласи бор аёллар учун қўшимча ҳўқуқлар киритилмоқда. Яъни маҳкума аёлларга вояга етмаган болалари билан бир йил ичидея тўрт марта мўддат беш суткагача бўлган узоқ мўддатли учрашув, шунингдек, манзилли колонияларда қўлаб-қўлабланган эса муассаса ҳудудидан ташқарида яшаш имконияти билан узоқ мўддатли учрашувлар чекланмаган микдорда берилмоқда.

Яна бир жиҳат, Маҳкумларни жазо ўташи даврида адолатли мезонлар асосида рағбатлантириш чораларини қўллаш тартиби ҳамда рағбатлантириш чораларини қўллаш комиссиясининг иш фаолияти ва уларнинг аниқ вазифалари белгилаб берилмоқда.

Шунингдек, Қонун билан жазо мўддатини ўташ давомида маҳкумларнинг шахсий ҳавфсизлигини таъминлашга қаратилган чоралар кенгайтирилмоқда. Маҳкумларнинг ҳўқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида уларни тинтув қилиш вақтида жисмоний куч ва махсус воситалар асосиз қўлланилишининг олди олинмоқда.

Қонун билан Жиноят-ижроия кодексининг 76-моддаси тўлдирилиб, маҳкумларнинг илтимосига қўра, учрашувлари ва телефон орқали сўзлашувларини қўлайтириш ҳамда видео-учрашувлар билан алмаштириш тизими жорий этилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мазкур Қонун маҳкумларнинг ҳўқуқ ва эркинликларини кенгайтириш ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, шунингдек, жазони ижро этиш тизимида шахсни ахлоқдан тузатиш ва жамиятга ижтимоий мослашувини амалга оширишда мўҳим аҳамият касб этади.

Сенаторлар ушбу Қонунни маъқуллади.

Сўнгра "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳўжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам муҳокама қилинди.

Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги каби бир қатор қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, Жиноят кодексининг сифатсиз ёки қалбақлаштирилган дори воситалари айланishi билан боғлиқ жиноий ҳаракатлар учун жавобгарлик кўрсатилган моддасига қўшимча киритилмоқда. Яъни тарихийда қўлчи таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибин бузганлик учун алоҳида жавобгарлик белгиланиб, айбдор беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан, вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳўқуқбузарлик содир этишига олиб келса, айбдор базавий ҳисоблаш микдорининг ўн бараваригача микдорда жарама тортилиши белгиланмоқда. Агар болаларнинг мажбурий умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хўнар таълими олишига ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан тўқсинлик қилинса, БҲМнинг йилгича беш бараваригача микдорда жарама белгиланиб, жавобгарлик қўлайтирилмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши аҳолининг ҳўқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш ва ўз навбатида, давлат органларининг ҳам бу борадаги маъсулиятини янада оширишда мўҳим аҳамият касб этади.

Сенаторлар ушбу Қонунни маъқуллади. Шундан сўнг "2007 йил 27 июндан Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорликдаги ҳарбий ўқувларни ўтказиш тўғрисидаги Битимга қўшимчалар киритиш ҳақидаги Баённома (Бишкек, 2019 йил 29 апрель) ратификация қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, мудофаа соҳасидаги сиёсатини очиклиги ҳамда ҳавфсизлик ва мудофаа соҳасида бошқа хорижий мамлакатлар билан амалий муносабатларни ривожлантириш мўҳим аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, Қўролли Кучлар қўшинларининг жанговар ва тезкор тўйғарлик тизимини янада такомиллаштириш, ўқув машқларни фаолигини, уларнинг самарадорлигини ошириш зарур вазифа ҳисобланади.

Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши ШХТга аъзо давлатлар ўртасида ҳарбий-техникавий соҳадаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада қўрғайтириши, томонларнинг ҳарбий ҳавфсизлигини таъминлаш, ўз Қўролли Кучларининг ҳарбий салоҳиятини мустаҳкамлаш, ҳарбий кадрлар тайёрлаш, ҳарбий-техник ҳамкорлик бўйича қўша тадбирларни амалга ошириш мақсадларига хизмат қилади.

Шу билан бирга, Баённома ШХТ аъзоси бўлган исталган давлат унга қўшилиши учун очиклиги, қўшилган давлат учун ушбу Битим депозитарий томонидан қўшилиш ҳақида ҳўжат олинган санадан бошлаб 30 кун ичидея қўча кириши каби янги ўзгаришларни ўз ичига олган.

Сенат аъзолари ушбу Қонунни маъқуллаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сўнгра "Ўзбекистон Республикасининг Бўғувчи, захарли ёки бошқа шу каби газлар ва бактериологик воситаларнинг урушда қўлланилишини тақиқлаш тўғрисидаги Протоколга (Женева, 1925 йил 17 июнь) қўшилиши ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қўриб чиқилди.

Ушбу Протокол 1972 йилнинг 10 апрель куни Москва, Лондон ва Вашингтон шаҳарларида имзоланган бактериологик (биологик) ва токсик қўроллар захирасини йиғиш, ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришни тақиқлаш ва уларни йўқ қилиш тўғрисидаги Конвенция талабларини мустаҳкамловчи ҳамда тўлдирувчи ҳўжат ҳисобланади.

Бугунги кунда ушбу Женева протоколига дунёнинг 142 та давлати, МДҲ мамлакатларидан Арманистон, Молдова, Россия, Тожикистон, Украина ҳамда Қирғизистон қўшилган.

Сенат аъзолари мазкур Қонуннинг қабул қилиниши республика мудофаа соҳасининг самарали тизимини таъминлаш ҳамда уни ривожлантиришда алоҳида ўрин эгаллашини, қолаверса, Ўзбекистоннинг халқро ҳамжамиятининг тенг ҳўқуқли аъзоси бўлиши йўлидаги навбатдаги мўҳим қадам эканлигини таъкидлади.

Шунингдек, мазкур Протоколга қўшилиш Ўзбекистон Республикасининг мудофаа соҳасидаги миллий қонунчилик

меъёрларига мос келиши ҳамда қонунлар билан муомалага киритилган халқаро шартномалар талабларига зид келмаслиги қайд этилди.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг адлия вазирининг 2019 йилда ҳўқуқий тарғибот ва маърифат соҳасида амалга оширилган ишлар юзасидан ақсароти ҳам эшитилди.

Таъкидланганидек, ўтган йилда Вазирлик томонидан 530 мингга яқин тарғибот тадбирлари ташкил этилган ва давлат органлари томонидан уйма-уй юриб, тегишли муаммоларни аниқлаш ҳолда фуқароларга ҳўқуқий тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жамиятда ҳўқуқий онг ва ҳўқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тўздан такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони билан тасдиқланган Жамиятда ҳўқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси доирасида Адлия вазирлиги томонидан Интернет тармоғида аҳолининг ҳўқуқий саводхонлиги ва маданиятини оширишга хизмат қилувчи 5 та ҳўқуқий портал ишлаб чиқилган.

Жумладан, бугунги кунда турли ҳаётий ҳолатлар бўйича ҳўқуқий ечим тақлиф этиладиган ва давлат хизматлари кўрсатиш электрон тизими билан боғланадиган "Advice.uz" (e-maslahat.uz) ҳўқуқий портали ишга туширилган. Ундан 53 минг нафардан ортқ шахслар фойдаланган. Қолаверса, ёш авлодларнинг ҳўқуқий билимини ошириб бориш, болаларни кичик ёшдан қонунга ҳўрмат руҳида тарбиялаш мақсадида "bolahuquqlari.uz" сайти ва "test.adliya.uz" ҳўқуқий саводхонлики баҳолаш тизими яратилиб, улардан 16 минг нафарга яқин шахслар фойдаланган.

Шу билан бирга, мажлисда сенаторлар томонидан ҳўқуқий тарғибот соҳасида муайян камчиликлар, ўз ечимини қўлаб-қўлаб муаммоларга эътибор қаратилди. Қайд этилганидек, ҳўқуқий онг ва маданиятни юксалтиришда, энг аввало, ҳўқуқий таълим-тарбия борасидаги ишлар тизими ва узвий олий билимлаштириш, бу борада таъсирчан механизм мавжуд эмас.

Бундан ташқари, жамиятда манзилли ҳўқуқий тарғибот тадбирларини ташкил этиш ва амалга ошириш ишларини етарли даражада, деб бўлмади. Ақсарият давлат органлари раҳбарлари томонидан фаол иштироки таъминланмапти, бу борада юқори натижадорлик ва самарадорлик кўзга ташланмапти. Оқибатда қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилмоқда.

Мақтабгача таълим ташкилотларида болалар учун ҳар ҳафталик ҳўқуқ ва мажбуриятлар кўни, умумтаълим мактаблари юқори синфлари учун ҳўқуқ асослари ҳамда тарбия фанлари ҳафтасига 1 соатдан ўқитилиши, олий таълим муассасалари ўқув режаларида тегишли маънавият фани 78 соат ўқитилиши белгиланган бўлса-да, уларнинг илмий изланишлари ва тулганлар таърибига асосланганлиги ҳамда самарадорлиги етарли даражада эмас.

2019 йилда вояга етмаганлар томонидан мамлакатимизда 739 та жиноят содир этилган. 2018 йилга нисбатан 19,9 фоизга қўшимча бўлса-да, бу кўрсаткич ҳанузгача баяндадигича қолмоқда. Айниқса, жиноят содир қилган 818 нафар вояга етмаган шахсининг 694 нафари мактаб ўқувчилари эканлиги салбий ҳолатдир.

Яна бир жиҳат, ҳўқуқий тарғибот ишлари таъсирчан олиб борилиши йўлга қўйилмаганлиги оқибатда давлат органлари томонидан қонун ҳўжатларига мувофиқ бўлмаган қарорлар қабул қилиш амалиёти ҳамон учрамоқда.

Шунингдек, мажлисда давлат органлари томонидан ҳўқуқий тарғибот тадбирлари инновацион усуллари, шу жумладан, веб-технологияларидан етарли фойдаланилмаганлиги танқид қилинди ва бу борада кўрсатмалар берилди.

Мазкур масала юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди. Сўнгра Самарқанд вилояти ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботи эшитилди.

Қайд этилганидек, Олий Мажлис Сенатининг Ишчи гуруҳи томонидан вилоятни комплекс ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ўрганилган. Мажлисида ўрганиш яқунлари ҳам атрофлича қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, вилоятни ривожлантириш ва бу жараёнда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари салоҳиятидан фойдаланиш борасида муайян ишлар олиб боришган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Самарқанд вилоятга 6 марттаба амалга оширган таъсирчи давомида берилган топшириқлар ижроси доирасида 450 дан ортқ лойиҳалар тасдиқланиб, уларнинг ижроси таъминланмоқда.

Вилоятда 2019 йилда ялли ҳудудий маҳсулот ҳажми 37 триллион 594 миллиард сўмни ташкил этган. Режадаги 40 мингга ўрнига 45 мингга янги иш ўрни яратилган, вилоятда бугунги кунда қарий

48 мингга кичик бизнес субъекти фаолият олиб бормоқда.

Маълумки, Самарқанд — жаҳон туризм марказларидан бири. Ҳудудда бу борада рўйбга чиқарилган салмоқли ишлар натижасида 2019 йилда вилоятда 560 минг нафардан зиёд хорижий сайёҳлар таърифот бўйича, ушбу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан 1,6 баробар ўсишига эришилган.

Аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида соғлиқни сақлаш муассасалари 10,3 миллиард сўмлик замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган, тез тиббий ёрдам автомашиналари сони 115 тадан 260 тага етказилган. Сўнгги уч йилда вилоятда хусусий тиббиёт муассасалари сони 37 тадан 376 тага етган, яъни 10 баробар ортган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси доирасида вилоятда 2019 йил давомида 7 мингга яқин турли тадбирлар ўтказилиб, уларга 1,6 миллион нафардан зиёд ёшлар жалб қилинган.

Шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияларида маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарларининг ҳисоботи ва ақсаротлари эшитиб боришган. Маҳаллий депутатлар томонидан аҳоли билан бевоисита мулоқот олиб бориш жараёнида, уларнинг мурожаатлари билан ишлаш давомида қўтарилган муаммоларни ҳал этишга қаратилган депутатлик сўровлари юборилган ва ижроси назорат қилиб боришган.

Мажлисида вилоятни ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатаётган айрим муаммо ва камчиликлар борлигига уру берилди.

Жумладан, 2019 йилда вилоятдаги маданият марказларида бажарилиши лозим бўлган қўриқли ишлари тўлиқ олиб борилмаган. Масалан, Булғур ва Пастдарғом туманларидаги маданият марказларида қўриқли ишлари яқунланмаган бўлса, Каттакўрғон ва Жомбой туманларида бу борадаги ишлар бошланмаган.

Вилоятга бириктирилган Хитой, Туркия, Греция, Испания давлатларидаги элчихоналар томонидан тақлиф этилган қўйимати 1 триллион 540 миллиард сўмлик 10 та лойиҳани амалга ошириш мўддати кечикмоқда. Қўйимати 2 триллион 385 миллиард сўмлик 16 та лойиҳа бўйича ишлар бошланмаган.

Умумтаълим мактабларини спорт анжумлари билан мунтазам таъминлаш тизими йўлга қўйилмагани боис, вилоятдаги ақсар мактабларга охириги марта 2016-2017 йилларда спорт жиҳозлари етказиб берилган. Яна бир жиҳат, ҳудуддаги мактабларда фаолият олиб бораётган 2 минг 164 нафар психологнинг 1 минг 340 нафари, яъни 62 фоиз иختисосликка эга эмас.

Бундан ташқари, аҳолини ичимлик суви, электр энергияси ва табиий (сул-тирилган) газ билан тўлиқ ва узлуксиз таъминлаш борасида муаммолар мавжуд. Хусусан, электр тармоқларининг айрим қисмлари фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келиб қолган. Газ қувурларини мукамал таъмирлаш бўйича 2019 йилга белгиланган режа бажарилмаган. Вилоятнинг ички йўллари таъмирталаб аҳволда.

Мажлисида ҳудудни ўрганиш яқунлари халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2020 йил 22 майдаги сессиясида муҳокама этилганлиги, унда вилоят даражасидаги муаммоларни ҳал этиш бўйича "Йўл харитаси", қолаверса, вилоят Кенгаши фаолиятини "намунали Кенгаш" сифатида йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланганлиги қайд этилди.

Шунингдек, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмаган чора-тадбирлар қўриш зарурлиги таъкидланди. Бу борада мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ақсаротлари эшитилди.

Мажлисида мазкур масала юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, вилоятда ечимини қўриб турган республика даражасидаги муаммоларни бартараф этиш бўйича "Йўл харитаси" тасдиқланди. Уларнинг ижроси устидан сенаторлик назоратини йўлга қўйиш белгиланди.

Шундан кейин Сенат аъзолари томонидан Вазирлар Маҳкамасига йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаш ва соҳага оид қонун ҳўжатларининг ижро этилиши ҳолати юзасидан парламент сўрови юбориш масаласи қўриб чиқилди.

Автомобиль йўлларида йўловчилар ҳавфсизлигини таъминлаш юзасидан таъсирчан назорат тўлиқ ва самарали ўрнатилмаганлиги оқибатида биргина 2019 йилда мамлакат бўйича жами 6 миллиондан ортқ йўл ҳаракати қондабузарлиги қайд этилган. Оқибатда 8588 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этили

Мустақиллик солномаси

ИСТИҚЛОЛ ПОЙДЕВОРИ ВА ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Бошланғич 1-бетда

Хусусан, сиёсий соҳада амалга ошириладиган ислохотлар жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, унинг изчиллиги ва самарадорлигини оширишга қаратилган. Ушбу ислохотларнинг асосий мазмун-моҳияти халқ иродаси ва манфаатларини рўйбга чиқариш, давлат идораларининг халқ билан доимий мулоқотини йўлга қўйиш, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларидаги иштирокини кенгайтиришдан иборат. Чунки ҳар бир демократик-хуқуқий давлатда суверен бўлиши халқнинг иродаси амалда яхлит сиёсий тизим барқарорлиги ва самарадорлигини белгилай беради.

Иқтисодий соҳада замонавий ривожланиш тенденцияларига мос рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш, жаҳон иқтисодиёти конъюктурасига мослашиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик

фаолиятини ривожлантириш каби устувор йўналишларни кўрсатиш мумкин. Буларнинг барчаси, биринчи навбатда, ўз-ўзини таъминлаш, замонавий дунёнинг турли иқтисодий таҳдид ва хавф-хатарларига қарши тура оладиган мустаҳкам ва мустақил тизим яратишга қаратилгандир.

Ижтимоий соҳада аҳолини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, жумладан, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, бепул тиббий хизмат ва таълим олиш масалаларини мамлакатда амалга ошириладиган кучли ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишлари сифатида таъкидлаш лозим. Сўнгги йилларда илм-фан, соғлиқни сақлаш соҳаларини тубдан ривожлантириш ва янгилашга қаратилган турли замонавий технологиялар жорий қилинмоқда. Бунинг замирида юксак билимли, етук, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал салоҳияти юқори бўлган шахсларни, яъни инсон капиталини ривожлантириш масаласи мавжуд. Бу ўз навбатида, узоқ муддатга мўлжалланган бўлиб, келажакда ҳам

мустақиллигини мустаҳкамлашнинг гарови бўлиб хизмат қилади.

Мудофаа соҳасида Ўзбекистон мустақиллигининг илк кунлариданоқ тинчликпарвар, мурося ва ҳамкорликка асосланган сиёсатни амалга ошириб келмоқда. Мустақиллик йилларида мамлакатнинг миллий мудофаа тизими шакллантирилди. Жумладан, ҳарбий кадрлар тайёрлаш, мудофаа sanoati инфратузилмаларини ривожлантириш, жанговар шайқошни кучайтириш каби вазифалар мутазам тарзда амалга ошириб келинаётганини таъкидлаш лозим. Бу борада миллий армия давлатимизнинг қалқони, тинч ва фаровон ҳаётимизнинг кафолати бўлмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, Мустақиллик декларациясининг тарихий аҳамиятини яна бир эътироф этган ҳолда, унинг замирида мамлакатимизда яшаётган ҳар бир фуқаро ўз тақдирига ва мамлакат келажакига нисбатан юксак масъулиятни ҳис қилган ҳолда ёндашиши лозимлиги гоёси ётади.

Қулайлик

ФУҚАРОЛАРНИНГ НАҚДИ ҲАМ, ВАҚТИ ҲАМ ТЕЖАЛАДИ

Битта ариза билан бирйўла олтига давлат хизматига доир юмушлар ҳал этиляпти

Бошланғич 1-бетда

— Давлат хизматлари агентлиги ташаббуси билан 2018 йил июль ойидан 2019 йил июлига қадар ФХДЁ бўлимлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда "Ҳеч бир бола қайд этилмасдан қолиши мумкин эмас" шiori остида умумдавлат ижтимоий акцияси ўтказилди. — дейди Давлат хизматлари агентлигининг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлими бошлиғи Севара Зокирова. — Акция доирасида ҳудудларда иш олиб борган ишчи гуруҳлар томонидан фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувлари қайд этилган ёки этилмаганлик ҳолати уйма-уй юриб тўлиқ хатловдан ўтказилганда, 17 938 нафар боланинг туғилганлик, 21 560 та оиланинг никоҳ тузилганлик, 2 077 та никоҳдан ажралганлик ва вафот этган 3037 шахсга нисбатан ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувлари мавжуд эмаслиги аён бўлди.

Бундай камчиликларни бартараф этиш мақсадида агентлик томонидан бир қатор тизимли ишлар амалга оширилди. Хусусан, ФХДЁ органларида тўловларни қабул қилиш ва уларнинг сарфланишини назорат қилиш учун онлайн тўлов — "Биллинг" тизими жорий этилди, статистика дафтарлари ўтган йил 1 июлдан электрон тарзда юритила бошланди. Туғилганлик, никоҳ тузилганлик, никоҳдан ажралиш ва ўлим ҳақидаги гербли гувоҳномаларни компьютерда фақат босма ҳарфлар билан тўлдириб тартиби жорий этилиб, уларни қўлда ёзиб тўлдириб талаблари бекор қилинди. Электрон тизимдан олинган ҳужжатлар бутун республика ҳудудида расмий ҳужжат сифатида тан олинган бўлиб, қўшимча муҳр ва имзолар талаб этилмайдиган бўлди.

Президентимизнинг жорий йил 18 февралдаги "Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, махалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони билан 1 апрелдан бошлаб ФХДЁ органлари Давлат хизматлари агентлиги тасарруфига ўтказилди. Ишни изчил назорат қилиш, малакали кадрларни танлаш ва жой-жойга қўйиш, хуқуқни қўллаш амалиётини мувофиқлаштириш, ФХДЁнинг ягона электрон архиви" ахборот тизимини юритиш ва унинг ҳудудий архивларига рақбарлик бўйича вазифалари агентлик зиммасига юклатилди.

Демак, янги тизим фаолият кўрсата бошлаганига икки ярим ойдан ортиқ вақт ўтди. Қисқа вақт мобайнида тузилма фаолиятида қандай ўзгаришлар юз берди? Аини кезда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Албатта, бугун барча соҳалар дунёдаги трендлар билан ҳамнафас бўлиши учун, авваламбор, рақамлаштириш ишларини амалга ошириш керак. — дейди Севара Зокирова. — ФХДЁ органлари ҳам бундан мустасно эмас. Аслида ДХА томонидан фуқаролик ҳолати далолат-



номаларини рақамли қўринишга ўтказиш бўйича ишлар анча олдин бошланган. Бунинг учун ҳар бир ҳудудда архивариус штати ташкил этилди, энг замонавий ускуналар олиб келиниб, махсус ахборот тизими ишга туширилди.

Натижада ҳозир мамлакатимиз бўйича 33,21 миллионга, яъни 60 фоиздан ортиқ далолатнома ёзуви рақамлаштирилиб, "ФХДЁ ягона электрон архиви" ахборот тизимига киритилди. Айрим ҳудудларда, масалан, Бухоро вилоятида рақамлаштириш ишлари якунига етмоқда. Мазкур ҳудудда 96 фоиздан ортиқ ҳужжатлар рақамлаштирилди. Тошкент шаҳрида никоҳ тузилганлик ва никоҳдан ажралганлик ҳақида архив ҳужжатлари тўлиқ рақамлаштирилгани боис, ушбу маълумотларни онлайн тарзда олиш имкони яратилди.

Давлат хизматлари соҳаси ривожини интеграциясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бизнинг фаолиятимизда интеграция барча давлат идораларининг ўзаро болган тизимга уланишини аниқлатади. Юқорида айтилганидек, соҳада оид ҳужжатларни бир неча сонияларда олиш имконини берадиган "ФХДЁнинг ягона электрон архиви" тизими ишга тушди.

Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларини олиш билан оғлиқ бошқа давлат ташкилотларининг маълумотларини (табиқ юқори бўлган, масалан, Ички ишлар вазирлиги, Давлат нотариал идораси ва бошқалар) фақатгина махсус ахборот тизими орқали рақамли қўринишда амалга ошириш тартибини жорий этиш режалаштирилган.

Бугунги кунда Молия ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Статистика ва Солиқ қўмиталари, Давлат персоналлаштириш маркази, Мажбурий ижро бюроси, Пенсия жамғармаси, нотариат идораси, my.gov.uz портали ахборот тизимлари билан интеграция ишлари ўз якунига етди.

— Интеграция ишлари амалга ошириладиган экан, бу оддий фуқароларга қандай наф келтиради?

— Мисол учун, соғлиқни сақлаш идоралари томонидан "ФХДЁ ягона электрон архиви" ахборот тизимига туғилганлик ва ўлим ҳақидаги маълумотларнинг электрон шаклда тақдим этилишини таъминлаш орқали фуқаролар ва соҳа ходимлари ортиқча ороғарчиликнинг олди олинди. — дейди Севара Зокирова. — Йил охиригача туғилгани қайд этиш билан болгиқ композит хизматлар ишга туширилиши режалаштирилган. Бу билан фуқаро битта ариза бериб, шу вақтнинг ўзида бирийўла 6 та давлат хизматига доир юмушнинг битиради.

Туғуруқдан бола туғилганлиги тўғрисида маълумотнома бериш, ФХДЁ бўлимида бола туғилганлигини қайд этиш, болани отаси ёки онасининг доимий ашаш манзилига рўйхатга қўйиш, фарзанд туғилганда бериладиган бир марталик нафақа пулини олиш, поликлиникага рўйхатга қўйиш ва болани мактабга таълим муассасасига навбатга қўйиш каби жараёнлар электрон тарзда параллел равишда амалга оширилади. Яъни фуқаронинг вақти ҳам, нақди ҳам тежалайди.

Жорий йилда, шунингдек, Олий суд, Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Мактабга таълим ва Ташқи ишлар вазирликлари билан ўзаро электрон ҳужжат алмашиш тизими йўлга қўйилмоқда. ФХДЁ бўлимида ундирлаётган тўловларни амалга ошириш мақсадида жорий этилган автоматлаштирилган "Биллинг" тизими маблағлар фақатгина расмий банк ҳисоб рақамларига келиб тушушини таъминлайди. Бу ўз навбатида, ортиқча тўловларнинг олдини олишга хизмат қилади, яъни пул тушумлари билан болгиқ манипуляцияларнинг олди олинди, шаффофлик таъминланади. Ҳаракатларимиз негизда эса фақатгина аҳолига тезкор, сифатли хизмат кўрсатиш мақсади муҳассам.

Янгича ёндашув

"BUSINESS INDICATOR"

тадбиркорлик ривожланганлиги даражасини белгилайди



Абдурауф ҚОРЖОВОВ, иқтисодий шарҳловчи

Тилимизда муҳит деган оддий сўз бор. Унинг бошқа бир сўз билан бирикмаси туфайли мезон ва баҳоловчи деган маънолар ҳам юзага келади. Масалан, ижтимоий муҳит дунёқарашни шакллантиришда муҳим омил бўлса, соғлом муҳит болалар тарбиясининг жон томирига уйғунлашиб кетган. Инвестиция муҳити орқали эса бирор ҳудуд ёки мамлакатда сармоядорлар учун яратилган ҳолатга таъхис қўйиш мумкин.

Ўз навбатида, мавжуд муҳитни яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни кузайтириш, салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали механизми жорий этиш ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларнинг маъсулиятини янада ошириди. Бинобарин, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашда айнан шу жиҳатлар асосий ўрин тутаяди, тараққиёт мезонини белгилайди.

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 8 январдаги "Республика ҳудудларида тадбиркорликнинг ривожланганлиги даражасига баҳо бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг асосий моҳияти ҳам мазкур мақсадларга қаратилгани билан эътиборни тортади.

Ушбу қарорда мувофиқ, Адлия вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда "Business indicator" автоматлаштирилган онлайн ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва у синов тарихида ўз фаолиятини бошлади. Мазкур тизим ҳозир интернет тармоғида demo.b-indicator.uz сайтида жойлаштирилган.

— Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" рейтинг орқали дунё давлатларида, жумладан, Ўзбекистонда тадбиркорлик учун яратилган шарт-шароитларга доир маълумотлар индикаторлар асосида эълон қилиб борилади. — дейди Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи Адхам Турдиев. — Кейинги пайтда мамлакатимизнинг бу рейтингдаги айнаси, тадбиркорларга қулай муҳит яратиш борасидаги ўрни кескин яхшиланди. Чунки ишбилармонлиқни ривожлантиришга қаратилган ишлар, фармон ва қарорлар ижроси ўз самарасини берапти.

Шундан келиб чиққан ҳолда, юртимизда ҳам ҳудудларда тадбиркорлик муҳитини баҳолаш зарурати келиб чиқди. Хукумат қарори асосида ана шундай тизим ишлаб чиқилди ва синов тарихида "Business indicator" фаолияти йўлга қўйилди.

Тизим комплекс ёндашув асосида ишлаб чиқилган рейтинг кўрсаткичларидан иборат бўлиб, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг 29 йўналишини қамраб олган. Бу жараёнда барча ҳудудлар ва улар таркибидagi шахар ва туманларда тадбиркорлик даражасини аниқлаш орқали уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаолияти ҳам баҳоланади. — Жаҳон миқёсида "Бизнес юритиш" рейтингдан ташқари "Инсон тақомиллашуви", "Бизнес фаоллиги" каби индекслар ҳам мавжуд. — дейди Президент Администрацияси хузуридаги Иқтисо-

дий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази етакчи илмий ходими Ҳасан Мажидов. — Ушбу рейтинглардан фарқли ўлароқ, бизнинг онлайн ахборот тизимимиз айрим ёки бир неча йўналишни эмас, балки вилоят, шахар ва туманларда олиб бориладиган комплекс ишларни ўзида муҳассам этади. Унда амалга ошириладиган ҳисоб-китобларнинг иқтисодий негизи марказимиз экспертлари томонидан берилган тавсиялар, Франция, Португалия, Буюк Британия каби давлатларнинг илгор тажрибаси инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилди. Ана бир муҳим жиҳати, уни тайёрлашда давлат ташкилотларидан ташқари сўрновномада иштирок этган 17 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектининг фикр-тақлифлари ҳам инобатга олинган. Бу ҳам индикатор субъектив, яъни бир томонлама эмас, балки объектив ва кўп томонлама асосга эга эканини кўрсатади.

Рейтингни тузишдан асосий мақсад йўл қўйилган хатоларни тузатиш, бартараф этиш устида ишлашдан иборат. Тадбиркорлик субъектларини мисолида оладиган бўлсак, улар томонидан муайян даврда амалга оширилган ишлар, сотилган маҳсулотларнинг тахлили юритилди. Бу улар йўл қўйётган камчиликларни аниқлаш, экспорт ҳажминини ошириш, ички бозорда ишга солиниши мумкин бўлган жиҳатларни аниқлаш имконини беради. Худди шу тартибда мазкур рейтинг орқали нафақат ҳудудлардаги нуқсонларга, шу билан бирга, тармоқ ёки соҳага маъсул бўлган республика миқёсидаги ташкилотларнинг фаолияти кўзгудагидай акс этиб туради.

Ҳақиқатан, "Business indicator" тизими баҳолаш мезонларининг ҳолис бўлишига катта эътибор қаратилган, кўрсаткичларни белгилаб олишга комплекс ёндашилган. Юқорида қайд этилганидек, ушбу тизим асосида аниқланган тадбиркорликнинг ривожланганлиги даражаси ҳудудларда мавжуд бўлган муаммолар, баҳоланаётган йўналишга мутасадди идораларнинг фаолиятига мезон бўлиши билан бир қаторда, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга бевоқиф таъминлаш бўлган маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ишларини ҳам ҳолис баҳолайди. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига шу асосда ушбу идоралар раҳбарлари фаолиятини рағбатлантириш ёки маъсулиятини оширишга қаратилган тегишли чоралар қўрилиши белгилаб қўйилган. Баҳолаш натижалари ҳар ярим йилда бир марта ўтказилади. Унинг 2019 йил якунлари бўйича ҳудудларда тадбиркорликнинг ривожланганлиги даражасига доир баҳолар рейтингни синов тарихида эълон қилинди.

—Тизимдаги тахлилий ишларни олиб бориш, ҳолис рейтинг индикаторларини аниқлашга иккита вазирлик маъсул этиб белгиланган. — дейди Адлия вазирлиги маъсул ходими Дилшод Шодиев. — Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги 13 та кўрсаткич, жумладан, тадбиркорларнинг ялли худудий маҳсулотдаги, давлат бюджетидagi улуши, улар томонидан аҳолини иш билан таъминлаш даражаси, бундан бундо-иншоотлар ва ёр участкаларнинг тадбиркорлик фаолияти учун ажратилганлик ҳолати ва бошқаларни аниқлашга маъсул.

Адлия вазирлиги эса 8 та кўрсаткичга маъсул ҳисобланади. Тадбиркорларнинг мулк ҳуқуқи дахлсизлиги таъминлангани, давлат хизматларини кўрсатишда қонун ҳужжатларига риоя қилиниши ҳолати, мажбуриятлар бажарилиши билан болгиқ низоларнинг кўриб чиқилиши ва бошқа жиҳатлар шулар жумласидандир.

Баҳолаш натижалари асосида республикамизнинг барча ҳудудлари тўртта рейтинг кўрсаткичига эга бўлади. Биринчиси, ҳудудларда тадбиркорликнинг ривожланганлиги даражаси рейтинг бали бўйича ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра, 9 дан 10 балгача бўлган худуд "намунали", 7 дан 9 балгача "яхши", 5 дан 7 балгача "қониқарли", 5 балгача бўлган худуд "қониқарсиз" деб топилади.

— Баҳолар комплекс ёндашув механизми асосида аниқланади, — дейди Дилшод Шодиев. — Хусусан, фаолият юритаётган тадбиркорлар индикатори кўрсаткичига жами яшаётган аҳоли, ҳар минг нафар аҳолига тўғри келадиган тадбиркорлар сони нисбати инобатга олинади. Масалан, Навоий вилоятида 2019 йилда ҳар минг аҳолига 27 нафар фаолият кўрсатаётган тадбиркор тўғри келган бўлса, Андижон вилоятида бу кўрсаткич 22 нафарни ташкил этади. Демак, бунда Навоий вилоятининг кўрсаткичи устун. Тадбиркорларнинг яшовчанлик кўрсаткичи эса ҳар бир худудда уч йил давомида фаолият юритаётган тадбиркорлар сонининг умумий ишбилармонлик субъектларини миқдоридagi улушини чиқариш орқали ҳисобланади. Навоий вилоятида бу борадаги натижа 174 нафарни ташкил этган ҳолда Андижонда 212 нафарга тенг. Бу йўналишда Андижон вилоятидаги фаолият яхшироқлиги аён бўлади.

Тадбиркорларнинг давлат бюджетига қўшаётган улуши индикаторига Навоийдаги НКМК ёки Андижондаги Асака автомобиль заводига ўхшаган корхоналар ва улар бўлиmlарининг фаолияти ҳисобга киритилмайдиган. Фақат ҳар минг тадбиркорлик субъектининг солиқ тўловига доир кўрсаткичлари тахлил этилади. 2019 йил маълумотларига кўра, бу индикатор Андижонда 20,8 миллиард сўмга, Навоий вилоятида 34,4 миллиард сўмга тенг бўлган.

Худудларнинг ўрнини белгилашда ҳар бир индикаторни 10 баллик тизимга жойлаштириш мақсадида турли кўрсаткичлари (масалан, сўмдаги, фоиздаги, сондаги ва ҳ.к.) ягона стандартга келтириш учун махсус формуладан фойдаланилади.

Унга асосан, ҳар бир индикатор бўйича энг яхши (10 балл) ва энг ёмон (1 балл) кўрсаткичга эга бўлган худудлар орқалида қолган худудларнинг баллари жойлаштирилди.

Тизимда синов тарихида 2019 йилга доир рейтинг натижалари эълон қилинди. Энг кучли бешта худудга Тошкент шаҳри, Навоий, Бухоро вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд вилояти киритилди. Кўришиб турибдики, "Business indicator" автоматлаштирилган онлайн ахборот тизимини ишлаб чиқиш учун кенг қўлланли ишлар амалга оширилди. Лекин бу ҳали барчаси мукамал, дегани эмас. Тизим жамоатчилик ва соҳа экспертларининг тақлифлари асосида янада тақомиллаштирилади. Бу жараёнда ҳар бир юрtdошимиз иштирок этиши мумкин.

Матбуот анжумани

Аҳолининг ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси муттасил оширилмоқда

Ирода ТОШМАТОВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Тоза ичимлик сув одамларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларидан бири ҳисобланади. Афсуски, республикамизнинг айрим ҳудудларида бу борада аҳолини қийнаб келатган муаммолар ҳали етарлиқ.

Миллий матбуот марказида Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги аниқларни иштирокида ўтган матбуот анжумани бугуннинг долзарб масалаларидан бири — "2020 йилда ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича режалаштирилган лойиҳалар" мавзусига бағишланди.

— Аҳолининг ичимлик сува бўлган талаб ва эҳтиёжини қондириш, барча худудларга тоза сув этиб боришни таъминлаш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган. — деди вазирликнинг инвестиция дастурларини шакллантириш ва мониторинг қилиш бош бошқармаси бошлиғи Азиз Эркабоев. — 2020 йилда ҳам бу борада аниқ лойиҳалар ишлаб чиқилган ва уларни амалга ошириш учун зарур маблағлар ажратилган. Хусусан, ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ва модернизация қилиш мақсадида марказлашган манбалар ҳисобидан ажратилган 1 544,6 миллиард сўм пул маблағлари ҳисобидан 299 та

ичимлик ва оқова сув тизимини қуриш ҳамда реконструкция қилиш кўзда тутилган. Ушбу чора-тадбирлар натижасида жами 1 279 минг нафардан ортиқ аҳоли ичимлик сув билан таъминлаш, 250 минг кишига қўрсатиладиган оқова сув хизматлари яхшиланиши кутилмоқда.

Айни кунларда барча объектларда карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда, тасдиқланган режа-жадваллар асосида пудратчи ташкилотлар томонидан сув таъминотини яхшилашга қаратилган қурилиш-монтаж ишлари олиб боришмоқда. Жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, 508,3 миллиард сўм (йиллик режага нисбатан 35 фоиз) маблағларни ўзлаштиришга эришилди. Муҳим жиҳати, барча манбалар ҳисобидан ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилган қурилиш-монтаж ишларида 46 мингдан зиёд аҳоли иш билан таъминланди.

Бундан ташқари, аҳолини ичимлик сув билан таъминлашни янада фаоллаштириш мақсадида инвестицион

лоийҳаларни жорий этиш ҳам кўзда тутилгани таъкидланди. Хусусан, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан Инвестиция дастури асосида 2020 йилда ҳалқаро молия институтлари иштирокида 12 та (9 та ичимлик ва 3 та оқова сув) йирик лойиҳани амалга ошириш ва улар доирасида 125,5 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағ ўзлаштирилиши режалаштирилган. Лойиҳаларни амалга ошириш давомида мингдан ортиқ иш ўрни яратилади.

Йил якунига қадар фойдаланишга топширилиши режалаштирилган лойиҳалар орасида "Сирдарё вилоятининг Бобву, Ховос, Мирзаобод, Сардоба ва Оқолтин туманлари марказлари ва аҳоли пунктларининг ичимлик сув таъминотини яхшилаш", "Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари оқова сув тозалаш иншоотлари ва оқова тизимларини реконструкция қилиш", "Бухоро вилояти Олот ва Қорақўл туманлари ичимлик сув таъминотини яхшилаш" дастурлари ҳам бор. Уларнинг ишга туширилиши мазкур худудлардаги минглаб аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлашга хизмат қилади.

Бу жараёнларни янада фаоллаштириш ҳисобига халқимизнинг тоза ичимлик сув билан таъминланганлик даражасини 69,5 фоиздан 72 фоизга кўтартиш кўзда тутилган.



Соҳиба МУЛЛАЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Кишлоқ хўжалиги вазирлигида манфаатдор вазирлик ва ташкилотларнинг масъулари, мутахассислари иштирокида доривор ўсимликлар етиштириш, қайта ишлаш ва соҳанинг экспорт салоҳиятини кучайтириш масалаларига бағишланган давра сўхбати бўлиб ўтди.

Доривор ўсимликлар етиштириш стратегияси ишлаб чиқилади

Президентимизнинг 2020 йил 10 апрелдаги “Еввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда ҳамкор вазирлик ва идоралар вакиллари, илмий-тадқиқот институтлари олимлари, доривор ўсимликлар етиштирувчи кластерлар раҳбарлари иштирок этди.

Илгирликда доривор ўсимликларни етиштиришда соҳа мутахассислари ҳамкорлигини кенгайтириш, бу борада истиқболли ташаббусларни амалга ошириш ва Ўзбекистон Республикасида 2020-2030 йилларда доривор ўсимликлар етиштириш ва қайта ишлаш, табиий дори воситалари асортиментини кўпайтириш, соҳанинг экспорт салоҳиятини кучайтириш стратегияси лойиҳасини ишлаб чиқиш масаласи уртага ташланди.

Сўнгги йилларда доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, доривор ўсимликлар етиштириладиган плантациялар ташкил этиш, уларни қайта ишлаш борасида кўп ишлар қилинаётганига қарамай, таҳлиллар бу борада кўшимча қиймат занжирини яратиш зарурлигини кўрсатмоқда.

— Бугунги кунга қадар соҳа мутахассислари томонидан шурланган ерлардаги 111 турдаги доривор ўсимликлар ўрғанилган. — деди Кишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи Адуба Аҳмеджонов. — Республика бўйича 13 минг 114 гектар майдонда кўп йиллик шифобахш гиёҳлар экилган. Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Фарғона, Наманган, Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида ташаббуслар томонидан турли доривор ўсимликлар етиштирилмоқда.



Уларни Кишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестрига киритиш, асосий экин майдонларини барпо этиш, кўчатчилик ва уруқчилик тизимини яратиш, агротехнологиялар ишлаб чиқиш соҳа ривожига замин яратяди.

Мутахассисларнинг қайд этишича, мазкур йўналишдаги ишлар тизимли йўлга қўйилса, фаолият янада тақимланади. Натижада фармацевтика корхоналари ва доривор ўсимликларни етиштирувчи кластерларнинг махсуслотларига талаб ва тақлифлари тартибга солинади. Вазирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги натижасида фармацевтика саноатининг хомашё билан таъминланиши бора-борада экспорт салоҳияти кучаяди.

Илгирликда, шунингдек, жамоат жойларида махсус фитобарлар ташкил этишга доир янада тартибни ишлаб чиқиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бунда доривор ўсимликлар хусусиятларини инобатга олиб, тавсия этиладиган тоифалари ва истеъмол мезърларини белгилаш лозимлиги таъкидланди.



Кишлоқ хўжалиги



АГРАР СОҲАДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

“Янги Ўзбекистон – янги кадрлар”

Эшмирза АБДУАЛИМОВ,
Кишлоқ хўжалиги вазирлигининг кадрлар ва ўқув юртлири бошқармаси бошлиғи

Мамлакатимиз кишлоқ хўжалигини 2020-2030 йилларда ривожлантириш стратегиясида аграр соҳа тараққиётининг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Уларни ҳаётга татбиқ этишда ҳукукий, иқтисодий, молиявий, шартномавий муносабатларни ислоҳ қилиш билан бирга инсон ресурсларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, замонавий дунёқараш ҳамда билим, малака ва кўникмаларга эга янги авлод кадрларини шакллантириш, уларнинг салмоғини ошириш бугун нихоятда долзарб вазифадир.

Кишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимда бошқарувни тақомиллаштириш, кадрларнинг шахсий таркибини ёш, истиқболли ва салоҳиятли ходимлар билан янгилаш орқали соҳа ҳамда ҳудудларни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратиб келмоқда.

“Янги Ўзбекистон — янги кадрлар” шiori остида иқтисод, жонқуяр, танлаган касбига фидойи ёшларни танлаш, уларни босқичма-босқич масъул вазифаларга тайёрлаш, билими ва тажрибаси муайян даражада ошган ходимларни эса муносиб лавозимларга тайинлаш ҳисобига бошқарув кадрларини янгилаш ҳамда яқтарилиш борасида тизимли ишлар йўлга қўйилди.

Бугунги кунда вазирлик марказий аппаратдаги ходимларнинг 19 нафари илмий, 74 нафари магистр даражасига эга, 18 нафари хорижий давлатлар олий таълим муассасаларини, 7 нафари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академиясини тугатган.

Ходимларнинг ўртача ёши 2018 йилда 42 ёш бўлган эса, ҳозир 39 ёшни ташкил қилмоқда. Кадрларимизнинг 35,7 фоизи давлат тили билан бирга хорижий тилларни пухта билиши улар томонидан илгор ҳорижий тажриба ва замонавий технологияларни ўрганиш ҳамда мамлакатимизда жорий қилиш, соҳа ва унинг тармоқларини модернизациялаш бўйича илмий, иқтисодий ва амалий жиҳатдан асосланган тақлифлар ишлаб чиқишида муҳим роль уйнапти.

Сўнгги йилларда халқаро алоқалар ҳам ривожланиб, илгор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш қамрови кенгаймоқда. 2017-2019 йиллар ва жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида тизим ходимларининг 880 нафари чет мамлакатларда бўлиб, самарали тажриба ва янги технологиялар билан танишди, касбий билим ҳамда малакаларини оширди.

Бугунги ёшларда замонавий билим, янги гоёлар, ғайрат ва шижоат мужассам. Кишлоқ хўжалиги вазирлиги Жамшид Хўжаев жорий йилда бир неча мартабга ёш олим ва тадқиқотчилар билан видеоконференция шаклида “Вазир ва ёшлар” учрашувини ўтказди. Учрашувларда ёшлар томонидан билдирилган 43 та тақлиф ва мулоҳаза юзасидан ҳозир амалий ишлар олиб борилаётди.

Соҳадаги илмий ислохотлар, амалиётга жорий қилинаётган замонавий технологиялар эндиликда кадрлар тайёрлаш сифатини янада яхшилашни, ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни талаб қилмоқда.

Мазкур жараёнда Тошкент давлат аграр университети, унинг Нукус, Андижон ва Термиз филиалларида соҳа учун 29 та бакалаврият таълим йўналиши ва 23 та магистратура мутахассислиги бўйича олий малакали кадрлар тайёрланмоқда. Сўнгги 3 йилда иссиқхона хўжалиқлари, рақамли иқтисодий, доривор ўсимликлар, органик маҳсулот етиштириш каби 12 та янги таълим йўналиши ташкил этилди.

Уларда таҳсил олаётган қарийб 14780 нафар талабага 1106 нафар профессор-ўқитувчи, жумладан, 101 нафар фан доктори, 400 нафар фан номзоди таълим бермоқда. Докторантура ва таянч докторантурада 95 нафар илмий изланувчи илмий-тадқиқот олиб борапти.

Яратилган имкониятлар педагог ходимларнинг илмий салоҳиятини янада ошириш, улар таркибига ёш олимлар салмоғини кенгайтириш борасида муҳим омил бўлаётди. Натижада сўнгги 3 йилда жами 211 нафар ёш тадқиқотчимиз фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори илмий даражалари учун диссертацияларини муваффақиятли ёқлади.

Шунингдек, талаба ёшларини ҳам инновацион фаолияти билан диққатга сазовор натижаларга эришмоқдалар. Биргина 2019/2020 ўқув йилида 9 нафар талабамиз давлат стипендиялари стипендианти, 16 нафар талабамиз халқаро ва миллий фан олимпиадалари, 1 нафар талабамиз давлат тўртинчи совриндори бўлди.

олимпиадалари, 1 нафар талабамиз давлат тўртинчи совриндори бўлди.

Илгор хорижий педагогик тажрибаларни ўзлаштириш, соҳа илмининг ва халқаро миқёсдаги ютуқлардан ёшларимизни янада кўпроқ баҳраманд қилиш мақсадида жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик алоқалари тобора мустахкамланиб, кенгайиб бораётди. Тошкент давлат аграр университети ҳозирги кунда хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан 2020 йилда 8 та ҳамкорлик шартномаси ва меморандум имзолади. Бугунги кунда қўшма таълим дастурлари доирасида Россиянинг Саратов давлат аграр университети доимий ишга қабул қилинган бўлиб, талабаларга маърузалар ўқиш келмоқда. Шу билан бирга, 2020 йилда чет эллик 18 нафар профессор турли мавзуларда маърузалар ўқиди.

Аграр таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш мақсадида Тошкент давлат аграр университети кафедраларига кишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган 15 та илмий-тадқиқот муассасаси бириктирилди. Илмий тадқиқот ишлари натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, илмий ишланмаларни тижорийлаштириш ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг инновацион фаолиятини моддий

қўллаш мақсадида, аграр соҳада амалга оширилаётган жадал ислохотлар, кишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва техник янгилаш, амалиётга илгор тажриба ва замонавий технологияларни изчил жорий қилишда инсон ресурсларидан фойдаланиш ва бу борада етуқ малакали кадрлар тайёрлаш, уларнинг иқтидори даражасида тегишли вазифа ва лавозимларда фаолият юритишни таъминлаш борасидаги тизимли ишлар ўз самарасини бермоқда. Сўнгги уч йилда мамлакатимизда кишлоқ хўжалиги махсуслотлари ишлаб чиқариш 1,4 баравар, уларни сақлаш 1,3 баравар, қайта ишлаш 1,4 баравар, экспорт ҳажми эса 2 баравар ошди ва бу қосалишда замонавий билим ва кўникмаларни ўзлаштирган фидойи кадрларнинг сафи кенгайиб бораётгани ҳам муҳим омил бўлаётди.



Чорвачилик ривожига алоҳида эътибор

Худойберди КАРИМОВ,
журналист

Сўнгги пайтларда юртимизда чорвачилик ривожига алоҳида эътибор қаратиляпти. Бу борадаги ишлар, биринчи галда, юртимиз ахлининг арзон ва сифатли гўшт-сут махсуслотларига бўлган эътиборини қондириш мақсадини кўзлаётгани аниқ. Шу билан бирга, тармоқ ривожланиши натижасида жойларда янги иш ўринлари яратилади, кишлоқларда яшаётган инсонларнинг турмуш шароити яхшиланади, буларнинг ортидан аста-секин чорва махсуслотларини хорижга экспорт қилиш имкониятлари ҳам пайдо бўлади.



Албатта, бундай режаларнинг амалга ошириш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун қатор шартларни бажариш, жумладан, мустаҳкам озуқа базасини яратиш, чорвачилик инфратузилмасини тубдан қайта тиклаш, соҳага истиқболли гоёлар ва технологияларни жорий этиш ва, албатта, наслчиликни давр ҳамда замон талабига мослаштириш лозим.

Бугун мамлакатимизда мавжуд қорамолларнинг 90 фоиздан ортиги аҳоли хонадонларида парвартиланмоқда. Бунинг устига, ана шу жониворларнинг бор-йўғи 34 фоизи зотли. Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё вилоятларидаги зотдор моллар бош сони бундан ҳам кам — атиги 26 фоиз.

“Чорва — етти хазинанинг бири” деган нақл бор. Ана шу хазина эшигини очибнинг синналган усулларида бири, шубҳасиз, моллар зотини яхшилаш, наслдор ва соғлом чорва бош сонини кўпайтиришдир. Хўш, Жиззах вилоятида бу соҳада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Тан олиб айтиш керак, ҳудуд истеъмол бозорига олиб чиқилаётган гўшт ва сут, уларни қайта ишлаш орқали олинаётган махсуслотларининг сифати ҳам, салмоғи ҳам талаб даражасидан анча past. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Жумладан, бугунги кунда воҳадаги жами йирик шохли молларнинг 94 фоизи аҳоли хонадонлари ва деҳқон хўжалиқларида парвартиланади.

Яна бир томони, ушбу жониворларнинг аксарият қисмини жайдар моллар ташкил этмоқда. Жайдар ва ярим жайдар моллардан олинадиган гўшт ва сут миқдори қанча бўлишини эса чорва мутахассиси бу ёқда турсин, кишлоқда яшайдиган оддий фуқаро ҳам яхши билади. Ана шу фактларнинг ўзи тармоқ махсуслотлари салмоғини ошириш учун нафақат йирик чорвачилик мажмуалари, фермер ва деҳқон хўжалиқлари, балки аҳоли ихтиёридаги молларнинг ҳам наслини яхшилаш, бу борадаги ишларга алоҳида эътибор қаратиш вақти келганини кўрсатмоқда.

— Жорий йилда 124 минг бош жайдар молни сунъий кўпайтиришни режалаштирганмиз, — дейди Жиззах вилояти ҳудудий “Чорванасл” маркази директори Азизкул Ҳазратқулов. — Илгирликда 50 минг бошдан зиёд ситир шу йўл билан уруғлантирилди. Аҳамиятлиси, аксарият қисми аҳоли қўлида бўлган сут берадиган моллар зотдор қора-ола, қизил-ола, симменталь, гўшт учун боқилдиғанлари эса аббердин-ангус зотли буқалар уруғи билан уруғлантирилди.

Дарҳақиқат, чорвачилик соҳасида кутилаётган натижаларга эришишда наслчилик-селекция ишларини тўғри йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, тармоқнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳам ўта муҳим масала ҳисобланади. Бу борадаги ишларни жонлантириш мақсадида яқинда вилоят бюджетидан салкам 3 миллиард сўм ажратилди. Бу маблағга ҳар бир туман учун биттадан, жами 12 та “Дамас” русумли автоулов, 36 та махсус уруғлик сақлаш идиши, 160 та термосумка, 140 та велосипед ва бошқа зарурий ускуна ҳамда жиҳозлар сотиб олинди.

— Туманимиз ахли қўлида мавжуд 48 минг бош қорамолнинг 13 минг бошини ситирлар ташкил қилади, — дейди Пахтакор “Чорванасл” маркази раҳбари Рустам Қўнишев. — Жорий йилда зимамизга 11 минг бош ситирни сунъий уруғлантириш вазифаси юклатилган. Бугунча ушбу курсаткич 50 фоиздан ошиб кетди. Уйламанки, бизга ажратилган техника ва бошқа зарурий жиҳозлар ёрдамида белгиланган топшириқни ортиғи билан бажарамиз.

Утган йили Жиззах вилоятида 7 та сутчилик ва битта бурдоқчилик йўналишидаги мажмуа ишга туширилди. Жорий йилда эса бундан уч-тўрт баравар кўпроқ — жами 40 та бурдоқчилик ва сутчилик фермаси фаолият бошлаши керак. Энг муҳими, ушбу мажмуаларга махсусдорлиги билан машҳур бўлган хорижий зотдор моллар келтирилмоқда. Бир йил аввал шундай жониворларнинг 5 минг 400 бош келтирилган бўлса, 2020 йилда уларнинг умумий сони яна 12 минг бошга кўпайиши кутуляпти.

Ана шундай лойиҳаларнинг энг йириги Зомин туманида амалга ошаётди. Бу ерда гўшт-сут йўналишига ихтисослаш-

ган “Jizzax organic” агросаноат кластери ташкил этилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 июлдаги “Жиззах вилоятида гўшт-сут махсуслотларини етиштириш йўналишидаги агросаноат кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан ушбу жамиятга Зарбдор ва Зомин туманларидаги балл бонитети паст, мелиоратив ҳолати ноқор 10 минг гектар атрофидаги ер ажрати берилди.

Жамият тадбиркорлари ишни чорвачилик мажмуаси бунёд этишдан бошлади. Умумий майдони 57 гектарни ташкил этадиган, 3 минг бош қорамолни парвартилаш учун барча шарт-шароитга эга ушбу мажмуани барпо этиш учун салкам 35 миллион АҚШ долларига тенг маблағ сарфла-ниши кўзда тутилган. Чорвачилик мажмуасининг биринчи навбати тез орада фойдаланишга топширилади. Тўғри, пандемия сабаб режалаштирилган айрим ишлар ортга сурилди. Шундай бўлса-да, қурувчилар 14 та ем-хашак ва сенаж сақлаш жойи, озуқа тайёрлаш шохбасанини фойдаланишга топширилган 4 та молхонанинг биттаси тўлиқ, қолганлари қисман битка-зилди.

Умуман олганда, ушбу мажмуа тавсифомасининг ўзи кишини ҳайратга сойма қўймайди. Лойиҳага биноан, у тўлиқ хорик технологияси билан жиҳозланади, қорамолларни озиклантириш, суғориш, соғиш, молхонани тозалаш каби жараёнларнинг ҳаммаси автоматик амалга оши-рилади. Ҳар бир жониворнинг қаерда тургани, соғлиғи, семириши ёки сут тўплаши ҳақидаги маълумотлар унинг териси остига ўрнатилган махсус чиплар орқали кузатув марказига келиб туради. Ҳар битта жонивор учун махсус ўрин, алоҳида сайр майдончаси яратилди.

Утган йили агрокластерга хориждан гўшт берадиган аббердин-ангус зотли 566 бош қорамол келтирилди. Бир ой аввал уларнинг дастлабкиси бузоқдади. Иоль

ойига бориб жониворларнинг ҳаммасидан бузоқ олинади. Энди уларга мўл ва тўйимли озуқа зарур. МЧЖ томонидан утган йили 220 гектар ерга беда уруғи сепилган эди. Бу йил баҳорда эса бедазор яна 780 гектарга кенгайтирилиб, умумий майдон 1000 гектарга етказилди. Бугун ана шу майдондан ўрик олинаётган емиш ситирларга озуқа бўлмоқда.

— Мақсадимиз озуқа базамизни мустаҳкамлаш, — дейди жамият бош ситирчи Мумтоз Юсупов. — Узимизга тегишли “Class” комбайнида ўриб-йигиб олинган хашак махсус жиҳозлар ёрдамида зичланиб, молхонага етказиб берилаётди. 2 минг гектар майдонга дон учун маккажўхори, 100 гектарга судан эканмиз. Ғалладан бўшаган минг гектар ерга яна маккажўхори эканмиз.

— Ҳозирча 350 кишини иш билан таъминладик, — дейди “Jizzax organic” агрокластери бош директори Ҳикматилла Каримов. — Лойиҳа бўйича иш ўринларини камда мингтага етказишимиз лозим. Бош режага асосан, мажмуамиз ҳудудида молхона бузоқхоналардан ташқари яна қандай 25 та хизмат қўрсатиш ва фойдаланиш шохбасанини фойдаланишди. Ишчи-хизматчилар учун замонавий турар жой бинолари, ошхона, маданий-маиший хизмат қўрсатиш нуқталари, хатто болалар боччаси қуриш ҳам кўзда тутилган.

Мутахассислар “Jizzax organic” қўшма корхонаси ўз имкониятлари билан нафақат Жиззах вилояти, балки республикада ҳам ўз ўрнига эга бўлишини эътироф этмоқда. Жамоадаги йирик шохли чорва молларининг умумий сони 25 минг бошга етади. Шунингдек, дунёга машҳур Австралия қўлирандан ҳам 2 минг бош келтириш режалаштирилган. Тўлиқ қувват билан фаолиятга киришганда агрокластерда 2 ярим минг тонна гўшт, яна шунча сут ишлаб чиқарилади. Муҳими, улар шу ернинг ўзида қайта ишланиб, ҳам ички, ҳам ташқи бозор талабларига жавоб берадиган сифатли, экологик тоза, ҳаёдорлиқ махсуслотга айланади.

Мозий — ҳақиқат тарозиси

УЧТЕПА БУЛОҚМОЗОР

археологик ёдгорликлари

“Мовий осмон остидаги музей”га айлантирилади



Ахмадали АСҚАРОВ,
тарих фанлари доктори, академик

Наманган вилоятининг Норин туманидаги Учтепа қишлоғи 2019 йилда “Обод қишлоқ” дастурига киритилиб, бу ердаги археологик ёдгорликларни ўрганиш ишлари бошланди. Шу боис, “Учтепа Булоқмозор археологик ёдгорликлари мажмуаси ва уни мовий осмон остидаги музейга айлантиришга тайёрлаш” лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур лойиҳани Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2019–2020 йилларга мўлжалланган амалий ва инновацион лойиҳалар танловига тақдим этдик. Танловда ғолибликни қўлга киритгач, дастлабки ишлар бошлаб юборилди.

Лойиҳада лаборатория аномалияларига асосланган геофизик методлар орқали 10 метргача чуқурликда сақланиб қолган археологик артефактлар, қадимги мейморий қурилма қолдиқларини топиш эҳтимоли ва сўнг археологик қазилмалар орқали уларнинг қанчалар реаллигини аниқлаш масаласи кўтарилди. Буни археология дала амалиётида Учтепа Булоқмозор археологик ёдгорликларининг иккитасида, яъни “Учтепа 1” ва “Учтепа 2” ёдгорликларида синаб кўриш режалаштирилди. Ўтказилган лаборатория изланишлари натижасида бир қанча маълумотлар ва керакли хулосаларга эга бўлди.

Юқори технологиялар лабораторияси геофизика тадқиқотлари натижаларини археологик қазилмалар орқали очиб ўрганиш мақсадида 2019 йил апрелдан октябрь ойи охиригача “Учтепа 2” объектда қазилмалар олиб борилди. Бирок “Учтепа 2” археологик объекти говак маданий қатламлардан ташкил топганлиги боис, геофизика изланишларида кўрсатилган қурилма қолдиқларини тўлиқ режа асосида тиклашга имкон бўлмади.

Аммо асрлар давомида шўр ва нам таъсирида нураб кетган девор ва маданий қатлам қоришмаларида фавқулодда ноб, жаҳон сайёҳларининг диққат-эътиборини ўзига тортувчи, оташпарастлик билан боғлиқ топилмалар аниқланди, охири-охирида ушбу объект оташпарастлик ибодатхонаси бўлиб чиқди.

Ибодатхона харобаларини қазиб жараёнида жуда ноб топилмаларга эга бўлди. Жумладан, улар орасида оловга сизилган билан боғлиқ 40 дан ортиқ меҳроб ўчоқлар, ҳайвонларни қурбонликка сўйиш учун мўлжалланган, турли даврларга оид 10 дан ортиқ муқаддас тош пичоқ, тошдан ясалган бир неча турдаги санам-маъбудалар, оташпарастлик билан боғлиқ кўп қабил диний-культ ашёвий далиллар бор. Шунингдек, муқаддас хаома ичимлигини тайёрлашда ишлатиладиган тош ёғручоқлар, купол чархида юксак маҳорат билан ясалган минглаб нафис сопол идиш парчалари (улар орасида археологик бус-бутунлари ҳам бор), ибодатхона роҳибаларининг айрим қабрлари, скелетлар бел қисмидаги темирдан ясалган камар тўқалари, қурбонлик ҳайвонининг суяк парчалари ҳам топилди. Улар ёнидан эса темир пичоқ ва қабрга овқат билан қўйилган сопол идишлар, зардуштийликда муқаддас ҳисобланган кучуқлар қабри ҳам маъжудлиги аниқланди.

Топилмаларни тупроқдан тазалаш ва шифрлаш жараёнида сопол парчасида ва қатор тош маъбудалар танасида миҳлат алифбоси шаклида битилган энг қадимги ёзув намуналари ва олов билан боғлиқ самовий илоҳ ва фаришталар суратлари ишланган схематик тошсанамлар борлиги бизни ҳайратлантирди. Бу тошсанамларнинг баъзиларида ҳайвон ва балиқ суратлари ўзгача услубда чизилган эдики, уларнинг илмий қиммати қадимги маданиятимиз ва маънавий-тимизни ўрганишда бениҳоя чекисиздир. Чунки бу топилмалар Фарғона водийси туб аҳолисининг аждодлари орасида роса 2 минг йил аввал оромий ёзувида саводхон ва юксак тажрибали мусаввирлар булганидан гувоҳлик беради. Бундай қадимий ноб ёдгорлик нафақат Норин туманида, балки Фарғона водийсининг бошқа ҳудудида ҳам шу пайтгача учрамаган.

Шундай қилиб, бу оташпарастлик ибодатхонаси Қадимги Фарғона (хитойча Даван-Дайюан, сўғдча Парғана) давлати маҳаллий ҳокимликларидан бирининг ислом динига қадар аждодларимиз топилиб келган умумшаҳар диний-мафқуравий маркази бўлиб, бундай ёдгорлик Наманган вилоятида илк бор тўлиқ очиб ўрганилмоқда.

Лойиҳа олдидан турган асосий вазифа нафақат янги очилган оташпарастлик ибодатхонасини ўрганиб илмий муоламага киритиш, шу билан бирга, уни “Мовий осмон остидаги музей” сифатида илмий жиҳатдан тайёрлаш эди. Бунда ибодатхона устини махсус қурилма билан ёптириб, оташқадалар ва мейморий девор қолдиқлари намойишида унинг ноб топилмаларини экспозиция стендларига жойлаштириб, ички ва халқаро туризм учун янги объектга айлантириш кўзда тутилди.

“Учтепа 2” оташпарастлик ибодатхонаси Миён Рудоқ музофоти пойтахти Хайламинг тарихий топографиясида қадимги шаҳарнинг шаҳристон қисмида жойлашган. Ундан



500 метрлар чамаси шарқда, қадимда Қайнарбулоқ ёқасида шаҳар ҳокимининг ёзи қароргоҳи қад кўтарган (“Учтепа 1”). Унинг шўр босиб, галвирак шўрхокка айланган харобалари ўртаси чўккан тупроққўрғонни эслатади. Икки тепалик оралиғи ва қадимги шаҳарнинг катта ғарбий майдонида кейинги йилларда ҳовли-жойлар қурилиб, Учтепа Булоқмозор археологик ёдгорликлари мажмуаси ўзининг қадимги шаҳар қиёфасини йўқотган.

Ибодатхона марказий қисмининг ғарбий томони перпендикуляр деворлар билан уч хонага бўлинган. Улардан ҳар бирининг ичи меҳроб ўчоқ ва тош меҳробларга тўла. Ибодатхонанинг марказий майдони ҳали тўлиқ очилмади.

Қазилмалар давомида етарли даражада куполчилик махсулотлари, тошга ишланган ёки махсус танланган дарё тошларига одамсифат ишлов берилиб ясалган схематик тош маъбудалар, қурбонлик тош пичоқлари, тош ёғручоқ, палахмон тошлар, урчуқ тошлар, уй-рўзгор ва ҳўжалик меҳнат қуроллари ҳамда ҳар хил диний-культ предметлари топилди. Уларнинг ўз гуруҳига кўра, тавсифи ва классификацияси кўйидаги тартибда: куполчилик махсулотлари, схематик тош маъбудалар, қурбонлик тош пичоқлари, муқаддас хаома ичимлиги тайёрлашда ишлатилган меҳнат қуроллари, диний култ предметлари, уй-рўзгор ва ҳўжалик предметлари қабилар. Улар стендларга жойлаштирилиб, мовий осмон остидаги усти ёпилган қурилма деворлари айланаси бўлиб виртуал музейга айлантирилади. Буларнинг ҳар бир гуруҳига бағишлаб

“Учтепа 2” Булоқмозор мажмуаси ҳақиқатда жуда ноб объект. Ушбу маскан мафқуравий аҳамияти жиҳатидан икки жаҳон дини тўқнашган объектдир. Ўша кезларда араблар билан бирга келиб, оташпарастларни ислом динига киритиш бобида шухрат қозонган Қурайш она номини ҳозиргача кекса учтепаликлар ҳурмат билан эслайдилар.

рисолалар, тушунтириш диаграмма ва макетлари тайёрланиб, ушбу маънавият, маърифат ва маданият масканининг туб моҳияти очиб берилди.

“Учтепа 2” Булоқмозор мажмуаси ҳақиқатда жуда ноб объект. Ушбу маскан мафқуравий аҳамияти жиҳатидан икки жаҳон дини тўқнашган объектдир. Ўша кезларда араблар билан бирга келиб, оташпарастларни ислом динига киритиш бобида шухрат қозонган Қурайш она номини ҳозиргача кекса учтепаликлар ҳурмат билан эслайдилар. Булоқ яқинида таркиб топган Булоқмозор қабристонига эса ана шу она қабри тўғрисида, унинг издошлари ва муридлари тўғрисида шаклланади.

Бу афсонавий қаҳрамон маҳаллий халқ орасида ҳозиргача Қора хотун (қадимги туркийда “буюк малика”) номи билан маълум ва машҳур бўлиб, қорахонийлар даврида унинг қабри

устида шинамгина мақбара қад кўтаради.

Археологик ёдгорликлар Учтепа Булоқмозор мажмуасининг бир бўлаги бўлиб, мажмуа таркибида асосий объектлардан бири сифатида 650 метр чуқурликдан отилиб чиққан катта ҳажмдаги шифобахш тиниқ суви қайнарбулоқ бор. Булоқнинг шарқ томонида дарахтзорли сўлим оромгоҳ жойлашган. Оромгоҳ обод қилиниб, булоқнинг кўзлари очилди, булоқ атрофи ободонлаштирилиб, унинг шифобахш сувини қадоқлайдиган завод қурилишига киришилди. Уйлаймизки, бу шифобахш булоқ туман бюджетига катта даромад келтирувчи объектга айланади. Шунингдек, булоқ сувининг бир қисмининг сувсизликдан қақшаб ётган Учтепа

қишлоғи орқали оқизиб, қишлоқ сувининг бир қисми сув билан таъминланади. Булоқмозор микромажмуаси доирасида тадбиркорлар ташаббуси билан китоб ва газета-журнал дўконлари, ости ошхона, усти меҳмонхонали замонавий бинолар барпо этиш, турли тижорат дўконлари, маданий марказ ва кутубхона ташкил этиш режалаштирилди. Шунингдек, сартарошхона, автотураргоҳ ҳам қурилади. Учтепа Булоқмозор мажмуаси доирасида тадбиркорлик йўли билан ҳар бири 30 квадрат метрдан кам бўлмаган 30 та хусусий тижорат дўкони барпо этиш ҳам мақсадда мувофиқдир. Вилоят ҳокимлиги бу ишларга катта эътибор бериб, бош-қош бўлса, келажақда мазкур масканни халқаро сайёҳлик санаторийсига айлантириш истиқболи маъжуд.



Янги Ўзбекистон халқаро экспертлар нигоҳида

Мамлакатимизнинг Бенилюкс давлатларидаги элчихонаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вакиллари Нидерландиянинг “Elsevier” компанияси вице-президентлари Элсевьер Феклих Хейст ва Козн ван дер Кроп билан видеоконференция шаклида музокаралар ўтказди.

Онлайн тадбирда мамлакатимиз олий таълим муассасалари ректорлари, тадқиқотчилар, профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирок этди.

Мулоқотда ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Ўзбекистон ва “Elsevier” компанияси ўртасида самарали алоқалар йўлга қўйилгани қайд этилди. Бунинг натижасида ўзбекистонлик олимларнинг илмий изланишлари сифати сезиларли даражада ошмоқда.

Вазирлик ва компания ўртасида 2018 йил март ойда “Илм-фан – 2020”

лоийҳаси йўлга қўйилган. Мазкур лойиҳа доирасида мамлакатимиз олий ўқув юрталари ва илмий-тадқиқот институтлари вакиллари учун “Scopus” халқаро илмий-таҳлилий платформасидан фойдаланиш имконияти яратилди.

2019 йил октябрь ойда Ўзбекистонда нашр этиладиган 41 та илмий журнал профили жойлаштирилган “Uzbekistan Research Online” <https://uzjournals.edu.uz/> илмий тадқиқотлар журналининг платформаси ишга туширилиши ҳам муҳим воқеа бўлди. Таъкидлаш жоизки, бу ўз мазмун-моҳияти ва аҳамияти жиҳатидан ноб манбадир.

Ўзбекистоннинг илм-фан ва таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорлигининг янги имкониятлари муҳокама қилинди

Ўзбекистонлик тадқиқотчилар томонидан “Elsevier” билан ҳамкорлик доирасида сўнгги йил давомида “ScienceDirect” ва “Scopus” илмий платформаларидан фойдаланиш даражаси мос равишда 103 ва 343 фойс ўзди. Бундан ташқари, Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ва Тошкент ахборот технологиялари университети тор фанларни ўқитиш сифати бўйича “QS World University Rankings” рейтингига киритилди.

Тошкент шаҳрида 2019 йил декабрь ойда “Elsevier” платформасида самарали ишлаган энг илгор олимларга “Scopus Award — 2019” мукофотини топишириш маросими бўлиб ўтди. Мазкур тантанали тадбирда 28 номинация бўйича Ўзбекистоннинг 37 нафар олим ва тадқиқотчиси, 6 та университети ва 1 та илмий журнали тақдирланди.

Компания вице-президенти Козн ван дер Кроп мамлакатимиз билан ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари ҳақида гапирар экан, Ўзбекистонда 2020 йилнинг Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили, деб эълон қилиниши ўзбекистонлик ҳамкасблар билан ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш учун ноб имкониятлар яратишини таъкидлади.

Мулоқотда “Elsevier”нинг корона-вирустга қарши курашишга қаратилган манбалари тақдим этилди. Хусусан, “ScienceDirect” манбасида Covid-19 мавзусига оид 21 мингдан ортиқ мақола

жойлаштирилган ва улардан очиқ фойдаланиш мумкин, “Lancet Coronavirus Hub” платформаси оғир ва хавfli шароитларда меҳнат қилаётган соғлиқни сақлаш ходимлари ва тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлашга мўлжалланган. Шунингдек, “1Science Coronavirus Research Repository” майдонида Covid-19, MERS ва, умуман, коронавирус ҳақидаги мақолалар жойлаштирилган, “Pure portal” Covid-19 билан боғлиқ тадқиқотлар, муассасалар ва мутахассисларни топишга иختисослашган.

ҳамкорликни давом эттириш тўғрисида келишувга эришилди.

“Elsevier” 1880 йил Амстердамда ташкил этилган бўлиб, дунёдаги энг йirik тўртта илмий нашриёт уйдан бири ҳисобланади. “Elsevier”, шунингдек, 180 дан ортиқ мамлакатдаги фойдаланувчилар, 30 миллиондан ортиқ академик, давлат ва корпоратив миқозор учун инновацион маълумотлар ва ечимлар базаларини ишлаб чиқиш ҳамда тақдим этишда етакчи тизимдир.

Компания “The Lancet” ва “Cell” каби нуфузли журналлар, “Трей анатомияси” китоблар туркуми, “ScienceDirect” интернет портали, “Trends” ва “Current Opinion” каби туркумларга эгалик қилади.

Адиблар хиёбонидаги ўйлар



Ватан манзаралари



Зулфия МҮМИНОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

ЙЎЛЛАР ГУЛ,
ЙЎЛАКЛАР ГУЛ

Ташкил этилиши қутилаётган Янгиҳаёт туманидаги кўп қаватли уйлар томон йўлингиз тушар экан, энг аввало, йўл четидаги ранг-баранг гуллар диққатингизни тортади. Бирдан баҳри дилингиз очилади. Манзарали ва мевали дарахтлар, бир йиллик ва кўп йиллик гуллар. Баланд бўйли гул дарахтлар ва то қор тушгунча гуллайдиган гулларнинг атри димоғингизга урилади. Йўллар гул, йўлаклар гул. Кўп қаватли уйлар атрофи гул, айвончалар гуллар билан ўралган. Ям-яшил чимлар қопланган ўнгу сўллар. Эрталаб югуриш йўлакчасидан кетар экансиз, митти фавворалардан муздек томчилар сачрайди. Ўзгача хуш-кайфият сизни қамраб олади. Кенда ишдан қайтаётганингизда яна шу митти фавворалар янги келинлардек уй атрофидаги гулларга сув сепаетганини кўриб, бир зум ҳорғинликни унутасиз.



Яқин ўтмишда ҳам чангалзор бўлган бу ерларнинг таниб бўлмас ашилл тус олиши ўзи бўлмагандир, ҳар бир дарахтга сув сачратиб турган фавворачаларнинг ўзани қаерда? Улар қаердан бошқарилади, бу гуллар чет эллардан олиб келинадими, чет элдан қайси транспортда, қанчага олиб келинади экан? Лопаларнинг неча хили экилган кўп қаватли уйлариимиз олдиди? Шу каби саволларга Тошкент шаҳар Сергели тумани ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Отамирза Рустамовдан жавоб олишга уриндим.

— Ободонлаштириш бошқарма-мизда 539 нафар ишчи ва хизматчи фаолият юритади, — дейди О.Рустамов. — Туман ҳудудини кўкаламзорлаштириш, кўп қаватли уйлариимиз атрофи, йўлларига йўлакларига чимлар ётқизиш, манзарали дарахтлар, яшил буталар, турли атиргуллар ва райхоннинг бир неча турини экиш ишларини амалга оширдик. Энг аввало, кўп қаватли уйлارга яқин жойдан оқиб ўтадиган Жўнарик, Шокиракчи, Белиракчи каналларидан лотоклар орқали сув тортиб келинди. Ҳар саккиз уй ёнида дренажлар ўрнатилди ва марказлашган ҳолда эрталаб ва кечқурун суғориш йўлга қўйилди.

Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош қармасига қарашли "Манзарали боғбончилик ва гулчилик" масъулиятли чекланган жамияти билан тузилган шартномага асосан, йил давомида кўчат ва буталар, кўп йиллик ва бир йиллик гуллар харид қиламиз. Бизга қўлайлиги шуки, бу МЧЖ биологари гулларимиз ва дарахтларимиз касалланса, нимадан касалланганини ўрганиб, қандай ўғитлар сепишни кўрсатиб кетади. Янгиҳаёт туманидаги маҳаллалар, мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, дўконлар, маъшиш хизмат қорхоналари атрофига энг ноёб гуллар ва дарахт навларини эдик. Ҳозир парвариш ишлари кетмоқда.


Фавворалар атрофидаги ерларга рангли кафеллар ётқизиб чиқилган.

Ўйлаймики, халқимиз кайфияти, маданияти, яшаб турган маконига муҳаббатини ошириш йўлида сарфланган маблағлар, меҳнат ва меҳроми нисбатан шу ерда яшаётган азиз одамлар ҳам беэътибор бўлмади. Биз ҳар қанча жонимизни жабборга бермайлик, аҳоли лоқайд бўлса, қимматбаҳо гуллар ва чимзорлар пайхон қилинса, биров кўриб кўрмаганга олса, меҳнатимиз, давлатнинг сарф-харажатлари увол кетади.

Жамоамизнинг саксон фоизини кам таъминланган оилаларнинг беклари — аёллар ташкил қилади. Дунёни тахликага солган тожсимон вирус тўғрисида карантин даврида ҳам тиббиёт қоидаларига амал қилган ҳолда тўлиқ ишладик. Бу демек, карантин ҳолатида ҳам жамоа ҳар ой маошини олиб турди. Мен жамоа-мизда ишлаётган опа-сингилларимни ҳурмат қиламан. Уларга касабга кўма-тизмиз томонидан ҳар йили соғлигини тиклаши учун йўлланмалар берамиз. Байрамлар ва таваллуд айёмларида рағбатлантираемиз. Бу аёллар ҳақиқий меҳнатқаш. Илоҳи борича рози бўлиб ишлашлари учун барча шароит қилиб берганмиз. Ҳар куни эрталаб техника хавфсизлиги бўйича кўрсатма берамиз. Энг муҳими, уларнинг азиз ҳаёти ҳимояланган.

Отамирза Рустамов билан суҳбатлашганимдан сўн шохримиз кўчаларига гуллар, боғу боғчалар, кўп қаватли уйлар, улар атрофидаги яшил олам кўзимга янада файзли ва кадрдон кўринди. Бу гўзалликни асраб қолишга умрини бағишлаган, шунинг ортидан нон топиб меҳнат қилаётганларга минг таъзим.

ХАЛҚЧИЛ САТРАЛАР
ХАЛҚНИНГ
ҚАЛБИДА ҚОЛАДИ



Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди

Ёш авлод тарбиясида адабиётнинг ўрни беқийс. Кейинги йилларда адабиётга, китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Тошкент шаҳрида барпо этилган Адиблар хиёбонини чинакам маърифат манзили ва тарбия масканига айлантириш, бу ерда мунтазам равишда турли маданий-адабий тадбирлар ўтказиш, китоб кўргазмалари, таниқли ижодкорлар билан учрашув ва мушоиралар ташкил қилиш ҳам ана шу эътибор туфайли бўлаётган саъй-ҳаракатлардандир.

Ўзбек адабиётининг йигирма тўрт забардаст вакили орасида Мухаммад Аминхўжа Муқимийни ҳам борлиги алоҳида эътирофга сазовор. Зеро, академик шоир Фафур Ғулом таъбири билан айтганда, "Ўзбек халқининг мўтабар шоири" Муқимий ижоди мумтоз адабиётнинг энг ёрқин саҳифаларидан ўрин олган. Ўз даврида Муқимийнинг ғазал, мурабба ва мухаммаслари сиёҳи қурмай туриб ҳофизлар созига тушган, давраларда севиб ўқилган, қўлма-қўл бўлиб, оғиздан-оғизга ўтган. Кўшиқ бўлмаган шеърлари кам. "Кўнглим сандадур", "Соғдурмен", "Якка бу Фарғонада", "Гирифтормен яна", "Доғмен", "Едимга тушти", "Қўлма кўп", "Навбахор", "Эй чехриси тобоним" каби ўнлаб шеърлари миллий кўшиқчилик санъатининг олтин фондидан жой олган.

Муқимий адабий мероси тахминан 10 минг мисрани ташкил этиб, аънавий ва ҳажвий йўналишдаги шеърлардан иборат. Аънавий шеърларида Жомий, Навоий, Фузूलий, Машраб, Амирий ижод йўлини давом эттириб, янги иктымий шароитда уларни ривожлантирган. Шоир лирикасида ғазал, мухаммас ва мурабба жанрлари етакчи ўрин тутди. У Машрабдан кейин мурабба ва мухаммас жанрлари тараққиётига катта ҳисса қўшди. Таъбир жоиз бўлса, Машраб ва Муқимий бу икки жанрни мумтоз шеърятнинг ғазалдан кейинги энг машҳур жанрларига айлантирдилар. Хусусан, мурабба жанрига Муқимий янги ҳаёт бағишлади, дейиш мумкин. Шоирнинг содда тил, раво услубдаги ҳассос ва ўйноқ мураббаларининг деярли барчаси кўшиққа айланган, халқ меҳрини қозонди. Муқимий шеърятини чуқур ҳаётсеварлик руҳи билан суғорилган, ҳарат, шикоят оҳанги устувор шеърларида ҳам некинлик кайфияти барқ уриб туради.

Муқимий том маънодаги халқ шоири эди. Аслида бадиий сўзи содда асосга кўчириш Бобурдан бошланиб, Машрабда ўзининг ҳадди аъло-лосига етган эди. Лекин Машраб шеърлари шаклдан содда, енгил, ўйноқ ва жарангдор бўлса-да, мазмунан аънавий — диний-таъавуфий мазмун, тимсолу ташбиҳларга бой эди. Муқимий эса уни мазмунан ҳам соддалаштирди. Тўғри, Муқимий ижодининг ҳам катта қисмини аънавий ишқу муҳаббат мавзусидаги шеърлар ташкил этади. Лекин у ана шу аънавий мавзунга ҳам салафлардан ўтиб келаётган бир қадар китобий образлар эмас, балки ҳаётий тимсоллар воситасида ёритади. У ташбиҳни кўпроқ теварак-атрофдан қидирди, ҳамма кўриб, лекин ҳеч ким эътибор бермайдиган нарсаларга боғлиқлик ва ўхшашликларни топиб, гўзал бадиий шаклларда ашёрлари қатига олиб кирди.

Бир умр халқ ичида юрган, халқ билан бирга нафас олган, унинг турмуши, орзу-уйларини яхши билган Муқимий халқона сўз ва ибораларни топиб ишлатишга жуда уста эди. Шоир шеърлари содда, тушунарли, аини пайтда таъсирчан ва нишонга бехато тегиши билан ўзига хос бадиий қиммат касб этади.

Муқимий том маънодаги халқ шоири эди. Аслида бадиий сўзи содда асосга кўчириш Бобурдан бошланиб, Машрабда ўзининг ҳадди аъло-лосига етган эди. Лекин Машраб шеърлари шаклдан содда, енгил, ўйноқ ва жарангдор бўлса-да, мазмунан аънавий — диний-таъавуфий мазмун, тимсолу ташбиҳларга бой эди. Муқимий эса уни мазмунан ҳам соддалаштирди. Тўғри, Муқимий ижодининг ҳам катта қисмини аънавий ишқу муҳаббат мавзусидаги шеърлар ташкил этади. Лекин у ана шу аънавий мавзунга ҳам салафлардан ўтиб келаётган бир қадар китобий образлар эмас, балки ҳаётий тимсоллар воситасида ёритади. У ташбиҳни кўпроқ теварак-атрофдан қидирди, ҳамма кўриб, лекин ҳеч ким эътибор бермайдиган нарсаларга боғлиқлик ва ўхшашликларни топиб, гўзал бадиий шаклларда ашёрлари қатига олиб кирди.

Бир умр халқ ичида юрган, халқ билан бирга нафас олган, унинг турмуши, орзу-уйларини яхши билган Муқимий халқона сўз ва ибораларни топиб ишлатишга жуда уста эди. Шоир шеърлари содда, тушунарли, аини пайтда таъсирчан ва нишонга бехато тегиши билан ўзига хос бадиий қиммат касб этади.

Ошно бўлдим десам, кўнглинг сенинг беғонада

каби соф халқона мисралари Муқимийдек халқчил шоиринга ижод қилиши мумкин. Халқчил шоирлар сўзи

топишга қийналмайди, улар учун сўзлар тизими шундоқина оқиб келади, дейиш тўғри эмас. Тўғри, сўз ҳам, тимсолу ташбиҳлар ҳам теварак-атрофда тўлиб-тошиб ётибди. Лекин уларни танлаб ишлатиш, ўрнига тушириш ва ўқувчиға маъқул қилишнинг ўзи бўлмайди. Бу ҳам машаққатли ижодий жараёндир. Айтилик, шоир халқона соддагина қилиб "бир гул учун хорман", дер экан, шу оддий гап ҳам икки маънога эгаллигини ҳамма сезавермайди: бир гул ишқиде хорман ва бир гул учун тиканман.

"Эшиқдин урсангу қувсанги, кетмас бир гадоийингман", "Ҳар кеча ёдингда минг йўл уйқудин уйғонаман", "Чикди ҳижрон чилпаси, келди баҳорим, хайрият", "Қилмасам зикрингни кесулсун забон", "Ғайр ила кўрсам мабодо худ-бахуд рашиком келур", "Ширин асалдин сўзалари, иссиғ ажаб юлдузлари", "Доманингни тутмасун то рўзи маҳшар қонгинам", "Кишининг жонидек жисмидаги руҳи равоним сиз", "Миниб ноз отига", "Кўзича душманим ер бирла яксон айладинг-көтдинг" сингари қўлдан-қўл халқона мисра ва ибораларнинг ўзи Муқимийнинг халқчил шоир бўлганидан сўзлайди.

Сув селип кўз ёшидин, кўйдим йўлингиз тозалаб,
То келур вақтда домини ғубор этмай келинг.

Албатта, шоир ўзини зўрлаб, атай оддийлик ва соддаликка интилмади — бу унинг табиатида бўлади. Муқимий ҳаётда ҳам оддий, камсуқум, камтарин инсон бўлган. У бу дунёнинг неъмату давлатларига қизиқмай, бир умр мадраса ҳужрасида фақирона кун кечирган. Унинг дўсту яқинлари, атрофдагилар оддий одамлар эди. Бу ҳол унинг шеърларида доим ўзини паст тутиб гапиришида ҳам кўринади.

Шоир шеърятининг бу қадар халқчиллиги илдизларини худди шу ердан қидириш керак. Шоирнинг шoirлигини унинг ярқ этиб кўзга ташланадиган ва хотирада мангуга муҳрланиб қоладиган фавқуллода ва оҳорли тимсолу ташбиҳлари намоён этади, шоирнинг маҳоратини унинг шаклан гўзал, мазмунан теҳан ва серқирра, бадиий баркамол шеърлари кўрсатади, шоирни унинг ўқувчилар томонидан эътироф этилган ва халқ кўнглидан жой олган шеърлари машҳур қилади. Бу жиҳатдан Муқимийга унча-мунча ижодкорга нисиб этмаган бахт қилиб бокди: халқ орзу-армонлари, дарду ташвишларини ҳассос мисраларда тараннум этган шеърлари, одамларнинг кўнглини безовта қилган, тилининг учига турган фикру ўйларини баралла ифода этган, ошқ аҳлининг оташин ҳис-туйғулари, гоҳ маҳзун, гоҳ некин кечинмаларини ўтги тилда тараннум этган ғазал, мурабба ва мухаммасларининг аксарияти халқимиз кўнглидан чуқур жой олди.

Муқимий ҳаётининг азалии ва абадий ҳақиқатини, тирикликнинг энг буюк мантигини, инсон турмушининг энг аччиқ мазмун-моҳиятини энг оддий сўзлар билан оддий усулда тасвирлайди. Масалан, олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ деган мақолни мана бундай шаклда ўзига хос ва оҳорли тарзда шеърга солади:

Мулки Ҳинду Марвдин келсам, топардим эътибор,
Шул эрур айбим, Муқимий, мардуми Фарғонаман.

Ҳаётни обдан ўрганган, инсон феълининг турфа манзараларини кузатган, тириклик фалсафасини чуқур англаган, ўзи ҳам турмуш қозонида қайнаб лишган шоирнинг кўплай байту мисралари халқ мақол-маталларидай, мутафаккир шоирларнинг ҳикमतларидай жаранглайди:

Бош муҳаррир: Салим Донирёров
"Янги Ўзбекистон" газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
Бахтиёр Абдусатторов

Таҳририятга келган қўлзмаляр тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 1586.
43135 услада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.
"KOLORPAK" МЧЖ Босмаҳонаси. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй. Босмаҳона телефони: (71) 230-27-76

Навбатчи муҳаррир: Хайридин Мурод
Мусаҳҳих: Мафтуна Мингбоева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
УЗА якуни — 00:45 Топширилди — 02:30